



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

Тарих факультети
Жаҳон тарих кафедраси
IV босқич “А” гуруҳ талабаси
Парпиева Хабибахоннинг

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Мавзу: Қадимги Миср санъати



БМИ раҳбари:

катта ўқитувчи Ф.Исақова

А Н Д И Ж О Н - 2 0 1 6

М У Н Д А Р И Ж А

КИРИШ	3
I БОБ. ҚАДИМГИ ШАРҚ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИДА МИСР МАДАНИЯТИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ.	
1.01. Қадимги Миср маданиятининг ўзига хос хусусиятлари.....	7
1.02. Қадимги Мисрда ёзув ва адабиётнинг юзага келиши.....	17
II БОБ. ҚАДИМГИ МИСРДА САНЪАТНИНГ ЮЗАГА КЕЛИШИ.	
2.01.Қадимги Миср тасвирий, меъморчилик ва амалий безак санъати.....	38
2.02. Қадимги Мисрда мусиқа ва рақс санъати.....	55
ХУЛОСА.....	62
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	66

К И Р И Ш

Мавзунинг долзарблиги. Бугунги куннинг ўткир ва долзарб муаммолари биздан замонавий тараққиётнинг асосий тамойилларини ҳар томонлама чуқур таҳлил этиш билан бирга, инсониятнинг яқин-олис тарихидаги бой тажрибасини ҳам теран идрок этишни, шу асосда амалий хулосалар чиқаришни тақозо этмоқда, яъни тарих тажрибаси одамзод учун тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Зеро, мамлакатимиз президенти И.А.Каримов ўзининг янги “Она юртимиз бахт-у иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш энг оий саодатдир” номли асарида ҳам тарих ҳақида қуйидаги фикрларни илгари сурган эдилар: “Кечаги тарих биз учун ҳаёт мактаби, бамисоли тиниқ бир кўзгу. Унга қараб сабоқ оламиз, хулоса чиқарамиз ва ҳаёт йўлини белгилаймиз”.¹

Хусусан ўз юрти тарихини билмасдан туриб ҳеч бир инсон келажак сари дадил қадам ташлай олмайди. Жумладан, собиқ шўро тузуми даврида таълим тизими мутлақо бошқача усулда ўқитилган, тарихга ҳолисона ёндошилмаган. Бу ҳақида ҳам президентимизнинг қуйидаги сўзлари аҳамиятга молик ҳисобланади: “Тарихдан ибрат олиб яшаш, тарих ҳақиқатларини билиш кишига қувват беради, уни ҳаёт ҳақиқати билан қувватлантиради.

Тарихни ёзишда ҳеч қачон ўнг томонга ҳам, сўл томонга ҳам оғмасдан, фақат адолат ва ҳақиқат нуқтайи назаридан йўл тутилиши керак. Сохта тарих бамисоли оғу каби инсонни захарлайди, унинг онгу дунёқарашини чалғитади”.²

XXI аср - шиддаткор тезликлар асри, ахборот ва ахборот технологиялари асри, интеллектуал ресурслар, юксак технология ва

¹ Ислон Каримов. «Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш энг оий саодатдир». Т.: 2015. Б-112

² Уша ер.

замонавий билимлар инсоният тараққиётининг асосий ва ҳал қилувчи омилига айланаётган давр.

“Буюк аллома ва мутафаккирлар, азиз-авлиёлар етишиб чиқадиган жойда, аввало, илму-маърифат, маданият ва маънавият ўчоқлари ривожланган бўлиши керак. Бўм-бўш жойда ҳеч қачон буюк цивилизация пайдо бўлмайди. Жаҳон тарихи буни кўп-кўп мисолларда исботлаб берди”.³ Шу фикрлар нуқтайи-назаридан олиб қарайдиган бўлсак, қадимги Миср санъати тарихи ҳам тарих фанлари орасида жуда долзарб мавзулардан бири ҳисобланади. Санъатнинг, ёки бўлмасам инсоният тараққиётининг энг биринчи куртаклари Қадимги Шарқ ҳудудидан бошланишини инобатга оладиган бўлсак, бу ердаги цивилизация ўчоқларидан бири ҳисобланмиш Миср ҳам ўзининг бой санъат, маданият ва цивилизация тарихи билан ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Мустақилликга эришганимиздан сўнг Қадимги Миср санъати ва маданияти тўғрисидаги бир қатор адабиётлар ўқувчилар эътиборига ҳавола этилди, илмий мақолалар, конференция ҳужжатлари яратилди. Биз ушбу битирув малакавий ишимизни шу адабиётлар бўйича таҳлил қилиб, ёритиб ўтишга ҳаракат қилдик. Мавзу ҳозирги кунгача ҳам уз аҳамиятини ва долзарблигини йукотгани йук. Ҳозирги янги технологиялар асосида Миср маданияти ва санъати мавзуси янги фикр ва хулосалар билан бойиб бормокда.

Битирув малакавий ишининг ўрганилганлик даражаси. Қадимги Миср санъати мавзуси тўғрисида кўплаб илмий мақолаларда, халқаро анжуман ва илмий конференцияларда, илмий китоблар ва дарсликларда, газета, журналларда маълумотлар келтирилган. Жумладан, Виктор Драчук “Ёзувлар - ўтмиш сирлари шоҳиди”, Лев Любимов «Искусство Древнего Мира», Ҳ.А.Салоҳуддинов “Фиръавнлар мамлакати” ҳамда янги нашр юзини курган электрон китоблар масалан, “Древний Египет”, “Древние

³ Ислон Каримов. «Она юртимиз бахту икболи ва буюк келажаги йулида хизмат қилиш энг олий саодатдир». Т.: 2015. Б-114.

цивилизации. Египет, Греция, Рим”, “Египет на заре цивилизации. Загадка древнего народа”⁴ ва бошқа шу каби илмий асарларда етарлича Қадимги Миср санъати тарихи бўйича маълумотлар келтириб ўтилган. Ушбу мавзу бўйича кўплаб адабиётлар мустақилликга эришгунимизга қадар рус ва бошқа тилларда ўрганилган, нашр қилинган, лекин мустақилликга эришганимиздан сўнг ушбу мавзу бўйича илмий тадқиқот ишлари етарлича ўрганилди, манба ва адабиётлар ўзбек тилида нашр қилинди.

Битирув малакавий ишининг мақсади ва вазифалари. Мазкур ишнинг мақсади милoddан аввалги даврлардаги Миср маданияти ва санъати тарихини таҳлил қилишдан иборат. Қадимги Миср маданиятининг жаҳон цивилизациясига қўшган улкан ҳиссаси, қадимги санъат илдизлари, унинг турлари тўғрисидаги мавзуни ёритишдан иборат.

Асосий мақсаддан келиб чиқиб, қуйидагилар асосий вазифалар сифатида белгилаб олинди:

- Қадимги Миср маданияти тўғрисида умумий тушунчалар бериш;
- Қадмги Миср тасвирий, меъморчилик ва амалий безак санъати турлари тўғрисида маълумотлар бериш;
- Мисрнинг қадимги мусиқа ва рақс санъати турларига қисқача тўхталиб ўтиш ва ушбу масалага доир маълумотлар келтириш.

Битирув малакавий ишининг илмий янгилиги. Ушбу битирув малакавий ишининг илмий янгилиги аввало шундан иборатки, мазкур мавзу олдин ўрганилганига қарамасдан янги адабиётлардан замон талабларига мос ҳолатда таҳлил қилиб чиқилди. Миср тарихига қизиқиш халигача давом этиб келаётнлигини ва бу ерда халигача археологик қазишмалар давом

⁴ В.Драчук. “Ёзувлар – утмиш сирлари шоҳиди” Т., 1976, Кинк Х.А. Как строились египетские пирамиды М., 1967, Лауер Ж.Ф. Загадки Египетских Пирамид М., 1966, Х.А.Салохудинов “Фиръавнлар мамлақати” Т., 1992, “Древние Египет” (Энциклопедия) Махаон.,2016, “Древние цивилизации. Египет, Греция, Рим (Энциклопедия) Владис., 2015, Египет на заре цивилизации. Загадка древнего народа (энциклопедия). Центрполиграф., 2012.

этаётганлигини ҳисобга оладиган булсак Миср тарихи янги-янги илмий янгиликлар ва хулосалар билан бойиб бормоқда. Биз олдинги адабиётлар ва янги адабиётлардан фойдаланган ҳолда Миср санъати тарихи мавзусини таҳлил қилишга ҳаракат қилдик.

Ишнинг амалий аҳамияти. Тарихни билмай туриб ҳеч қайси давлат ўз келажагини қура олмайди, шундай экан Қадимги Миср санъати жаҳон сивилизатсиясига беҳисоб ҳисса қўшганлигини мазкур битирув малакавий ишида ёритиб ўтилган. Битирув малакавий ишимизда, Қадимги Миср маданиятига, ҳунармандчилигига ва кўплаб санъат турлари тарихига қисман тўхталиб ўтдик. Битирув малакавий иши натижасига кўра, баён этилган фактик материаллар ва илмий хулосалардан Тарих факултети талабаларининг курс ишлари, рефератлар ёзишда фойдаланиш ҳамда ушбу битирув малакавий иши материалларидан жаҳон тарихи фанидан ўтказиладиган мустақил ишлар, семинар машғулотларида манба бўлиб хизмат қилади.

Битирув малакавий ишининг тузилиши. Битирув малакавий иши кириш, икки боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйҳати, иловалар ва такдимотдан иборатдир. Адабиётлар рўйҳатида ўн бир номдаги дарсликлар, ўқув қўлланмалар, интернет сайтлари берилган. Битирув малакавий ишининг умумий ҳажми электрон вариантда олтмиш олти бетни ташкил этади.

I БОБ. ҚАДИМГИ ШАРҚ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИДА МИСР МАДАНИЯТИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ.

1.1. Қадимги Миср маданиятининг узига хос хусусиятлари.

“Шарқ” Ер шари қуруқлик қисмининг Осиё қитъаси ва Африка қитъасининг шимолий қисмини қамраган географик атама бўлсада, бунда тарихий-маданий, жамоачилик, анъанавийлик, алоҳида давлат типи, турли даражадаги очик динлар, яъни ижтимоий-сиёсий ва маънавий жиҳатлар энг кўп даражада ифодалангандир.

Шарқ дунёси асосий жиҳатларига кўра яхлит бўлгани ҳолда, унда локал хилма-хилликлар ҳам мавжуд.

Шарқ феномени деганда биз инсоният тарихини айти шу ерда бошланганлигини тушунамиз. Жаҳон сивилизатсиясининг илк ўчоғи Яқин Шарқда пайдо бўлган.

Яқин Шарқ қадимги цивилизатсиянинг Миср варианты қатор ўзига хосликларга эга. Қарор топган давлат ҳўжалиги жамоачиликка анча эрта барҳам берди. Мамлакат ҳаёти ҳукмдорлар томонидан тўла назорат остига олинган эди. Бу ерда пайдо бўлган алифбо, меъморлик – эҳромлар қуриш санъати, фан куртаклари – математика, астрономи, тиббиёт, мифология ва дин (диний эътиқод) соҳаларида эришилган ютуқлар инсоният қадимги сивилизатсиясига қўшилган улкан ҳисса ҳисобланади.⁵

Қадимдан Мисрда табиати иссиқ, ҳайвонот, ўсимлик дунёси ва ерости бойликлари кўп бўлганлиги боис бу ерда моддий ва маънавий маданият жуда эрта вужудга келиб ривожланган. Қадимги подшолик даврида папирус қоғозининг тайёрланиши ёзма маданиятни ривожлантиришга олиб келган бўлса, Мисрда мис даврида биринчи бўлиб асаларичиликнинг кашф қилиниши ва ёйилиши ҳам дунёвий аҳамиятга эга бўлди. Шу билан бирга шу даврда

⁵ Х.А.Салоҳуддинов. Фиръавнлар мамлақати. Т.: 1992. Б-6.

деҳқончилик, боғдорчилик, полизчилик ва узумчилик ривожланган. Миср давлати ўзининг қадим маданияти, бой тарихи билан бошқа ривожланган давлатлар орасида етакчи ўринлардан бирини эгаллайди.⁶ Мисрнинг кўп асрлик тарихи ва маданияти тошларда, саркофагларда, рассомларнинг асарларида, уста-хунармандларнинг ижодларида, меъморчилик иншоотларида муҳрланиб қолган. Ўрта подшолик, ёки бошқача қилиб айтганда классик даврда куруллар яшада бронзадан кенг фойдалана бошланган. Ойна ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Эрамиздан 3000 йил бурун ривожлана бошлаган бу маданият римлик истилочилар Мисрни эгаллаб олгунга қадар, яъни эрамизнинг 30-йилларигача бўлган даврни ўз ичига олади. Миср маданиятининг шаклланишида Нил дарёси салмоқли ўринни эгаллайди.

Бу улкан дарё Нубийлар — ҳозирги Судан давлати чегарасидан оқиб чиқиб, шимолда Ўрта денгизига бориб қўшилиш учун 6000 км дан зиёд масофани чўл-сахро орқали босиб ўтади. У ўз йўлида «Оқ Нил» ва «Кўк Нил» деб аталувчи қўшимча дарёларга бўлинади. Оқ Нил «Виктория» ва «Алберт» деган денгизлар сувидан ҳосил бўлган кўллардан сув олади. Кўк Нил эса Абиссин тоғидан оқиб тушади. Бу тоғ ҳар йили бир марта Ҳинд океани томонидан келадиган ёмғирли булутларни тўсиб қолади. Бунинг натижасида кучли ёмғир ёғиб, янги оқимлар вужудга келади. Бу вақтда дарё суви 15 метрдан зиёд кўтарилиб, 1971-йилгача, яъни Ассуан сув омбори қурилгунгача ҳар йили сув тошқини ҳосил қилган. Уч ой мобайнида дарё атрофидаги ерлар кўлга айланган ва ниҳоят, орқага чекинган сув ўзининг ҳосилдор лойқасини Нил атрофидаги ерларга ҳадя этган. Ҳақиқатан ҳам бу жойлар дунёдаги энг унумдор ерлардан бири бўлиб, ундан йилига уч мартагача ҳосил олинган. Шунинг учун ҳам Нил дарёсининг қирғоқ ерлари одамларни ўзига жалб этган. Келиб чиқиши ҳозиргача номаълум бўлган кишиларнинг Нил дарёси қирғоқларида ўрнашишлари, фикримизча, тош даврига тўғри келади. Одамлар бу ерларга Қизил денгиз томонидан, Ҳамадат водийси орқали келишган.

⁶ Древние цивилизации. Египет, Греция, Рим (Энциклопедия). Владис, 2015. С-19

Ёмғирсиз Миср саҳросида воҳадан воҳага кўчиб юривчи кўчманчи — овчилар ҳам ягона ҳаёт манбایی бўлган шу ердан макон топганлар. Айтиш мумкинки, дастлабки жиддий равишда ўрнашиш эрамиздан аввалги 6000 йил билан 5000 йиллар оралиғида бўлган.⁷

Бу даврда ҳали металл ишлатишни билмаган одамлар ҳаёт учун муҳим бўлган қурол-аслаҳаларни, асосан, ёғоч ва тошлардан ясаганлар. Одамларнинг кулбалари эса хом ғишдан қурилган. Бу қурилиш ашёси шу ернинг қуруқ иқлим шароитига мос бўлганлиги учун Миср маданиятининг бутун ривожланиш даврида асосий ҳисобланган.

Маълумки, қадимги халқ маданияти ҳақидаги қимматли маълумотларни мақбаралардан билиш мумкин. Мақбаралардан топилган бош суякларидан кўринадики турли қабиалардаги одамларнинг ҳаммаси озғин ва паст лекин битта ирққа мансуб бўлмаган. Жазирама саҳронинг қайноқ қуми инсон бадани билан бирга унинг сочлари ва терисини ҳам сақлаган.

Мисрликлар мурданинг кийим-кечаклари билан бирга кўмишни расм қилган эдилар. Ҳар хил жойлардан топилган бир қатор мақбаралар уларнинг оддий тузилганлигидан далолат беради.

Бу мақбараларни синчиклаб текширган археологларнинг айтишларига қараганда, ўша даврда Нил соҳилларида, Бадарян, Амратан, Тазиан ва шунга ўхшаш ҳар хил қабиалар мавжуд бўлган. Ҳар бир қабила ўз ерини тиш-тирноғи билан ҳимоя қилган.⁸

Ўзаро урушлар Нил водийси аҳолисини уруғдош гуруҳларга бўлиб юборган. Ҳар гуруҳнинг ўз бошлиғи (етакчиси) бўлган. Кейинчалик бу гуруҳларнинг бирлашиши натижасида вилоятлар «ном»лар вужудга келган.

Бирлик ва сулолалар. Эрамиздан аввалги 3200 йилга келиб, Мисрда иккита подшолик вужудга келди.

Жанубда, Нубийлар чегарасидан ҳозирги Қоҳира яқинидаги делтагача бўлган ерлар «юқори Миср»ни ташкил этди ва у Хиера Конполис шаҳрини

⁷ Древние Египет. Махаон, 2016 (Энциклопедия). С-21

⁸ <http://www.kitob.uz>

пойтахт қилиб олди. Қуйи Миср Шимолда, яъни пастроқда, унча катта бўлмаган лекин серҳосил ерда жойлашган бўлиб, пойтахтини Бутода ташкил этди.

Шу даврда Жанубий Миср подшоси Нармер (кейинчалик юнонлар уни Менес деб аташган) ўзининг кучли қўшинлари билан Шимолни босиб олди ва Мисрда иккита подшоликни бирлаштириб, ягона давлатга асос солди. Пойтахтни эса делта яқинидаги стратегик жиҳатдан жуда ҳам қулай бўлган Мемфис (юнонча Хелиополис) шаҳрига кўчирди.

Демак, Нармерни архаика даври биринчи сулоласининг дастлабки фиръавни дейиш мумкин.

Тарихчилар қадимги Миср маданияти ва меъморчилик санъати тарихи ҳақида фикр юртганларида даврларнинг хилма-хиллигини сулолалар орқали кўрсатишни мақсадга мувофиқ деб билганлар. Ҳатто Миср пайғамбари Манетҳо эрамиздан аввал 3000 йил бурун биринчи бўлиб ана шу усулни қўллашни талаб этган.⁹

Умуман, сулола оралиқдаги вақт бўлиб, шу вақт ичида оиланинг подшолик қилган даври акс эттирилади. Масалан, Францияда Бурбонлар, Англияда Тюдорлар, Ўрта Осиёда Темурийлар, Россияда Романовлар сулолари мавжуд бўлган.

Одатда сулолалар жуда кўп ва узок вақтни ўз ичига олади. Буни яхшироқ тушуниш учун қуйида биз бошланиш вақти эрамиздан аввалги 3200 йил эканлигини унутмаган ҳолда, қадимги Мисрдаги даврлар ва сулолалар сонини маълум бир тартибда баён этамиз.

I. Архаика даври

1- ва 2-сулолалар 3200—2780 йиллар (ерамиздан аввал)

II. Қадимги подшолик даври

3-сулоладан то 10-сулолагача 2780—2100 йиллар (ерамиздан аввал)

⁹ Словарь античности. М., 1989. С-172.

III. Ўрта подшолик даври

11-сулоладан 13-сулолагача 2100—1700 йиллар (ерамиздан аввал)

IV. Гиксослар ҳукмдорлиги даври

14-сулоладан 17-сулолагача 1700—1555 йиллар (ерамиздан аввал)

V. Янги подшолик даври

18-сулоладан 24-сулолагача 1555—712 йиллар (ерамиздан аввал)

VI. Мисрликларнинг сўнгги даври

25 ва 26-сулолалар 712—525 йиллар (ерамиздан аввал)

VII. Эронликлар ҳукмдорлиги даври

27-сулоладан 30-сулолагача 525—332 йиллар (ерамиздан аввал)

VIII. Юнон-Рим даври

332 (ерамиздан аввал) – 638 йиллар¹⁰

Юнон ва Рим ҳукмронлиги даври Македониялик Александр, Рим ва Византия юришларини ўз ичига олади. Эрамизнинг 638 - йилидан бошлаб Миср тарихида мутлақ янги давр — мусулмонлар даври бошланади. Лекин биз қадимги Миср маданияти ҳақида сўзлар эканмиз, биз унинг асосан буюк давлат даражасига кўтарилган давридаги меъморчилиги ва санъати ҳақида кўпроқ фикр юритамиз.

Қадимги Мисрда қулдорлик давлатини бошқарган шохларни фиръавнлар деб атаганлар. Бу сўз бизга христиан ва яҳудийларнинг диний китоби Таврот орқали маълум. Фиръавн шох лавозимига ҳеч қачон сайланмаган. Баъзилар бу лавозимни армия ёрдамида куч билан қўлга киритган бўлсалар, бошқаларга, яъни сулолага дахлдорларга у мерос бўлиб қолган. Фиръавн бўлиш учун тахтга даъвогар ўзидан олдинги фиръавннинг бева қолган хотинига ёки унинг қизларидан бирига уйланиши шарт бўлган. Чунки Қадимги Мисрда шохлик қонининг тозалигини сақлаш қонуни мавжуд эди. Шу боисдан, ака ва сингил ўртасидаги никоҳ мақсадга мувофиқ деб топилган. Одатда, фиръавннинг бир қанча хотини бўлган. Аммо уларнинг

¹⁰ Х.А.Салоҳуддино. Фиръавнлар мамлакати. Т.: 1992. Б-18

ичида фақат биттаси, яъни асосийси қиролича лавозимида турган. Бундан ташқари, фиръавннинг яна қонунсиз, у билан никоҳда турмаган аёллари ҳам бўлган. Демак, шоҳ фарзандлари кўп бўлган ва эркаклар давлатнинг юқори вазибаларида турганлар. Фиръавн давлат ҳукмдори сифатида буюк худо «Қуёш Ре»нинг ердаги фарзанди ва ер ости дунёсининг худоси Осириснинг меросхўри деб ҳисобланган. Шунга кўра, у диний давлатнинг дохийси ўрнида улкан ибодатхоналар қурдирган ва қурбонликлар келтирган. Жангларида шахсан бошчилик қилган. Фиръавнлар орасида баъзилари чиндан ҳам моҳир жангчи бўлган. Лекин архаика ва қадимги подшолик даврларида улар ҳеч қачон қўшни мамлакатларга юришлар уюштирмаганлар. Аммо Ғарбий Саҳрои Кабирдаги Ливиялик ва Жанубдаги Нубиялик кўчманчилардан ўзларини ҳимоя қилиш мақсадида аскарларни сафарбар қилиб турганлар.

Ҳунармандчиликнинг ривожланиши. Мамлакат Нармер даврида ягона давлатга айлантирилган вақтданок Мисрликлар металлдан фойдаланиш йўллари билиб олганлар. Аввалига мисдан, кейин эса бронзадан ҳар хил асбоблар, қурол-яроғлар ишлаганлар. Аммо бу кашфиётга қарамасдан, тошни ишлаш ва дурадгорчилик санъати муҳим ўрин тутган.¹¹ Чунки бу ҳунарни мисрликлар мукаммал даражада билганлар. Масалан, шоҳлар қабрларидан топилган тошдан ишланган ажойиб кўзалар ва гулдонлар эрамиздан аввалги 2800 йилларга, яъни биринчи сулола даврига тўғри келади. Шунингдек, дурадгорнинг болта, арра, пичок, болға, парма каби иш асбоблари ҳам худди ҳозирги замон дурадгорининг иш қуролларига ўхшаб кетади. Қадимги мақбаралардан топилган мебел, курси-ўтирғич, сандиқ ва бошқа амалий буюмлар қолдиқларидан шундай хулосага келиш мумкинки, Миср маданиятининг ўзига хос хусусияти эрамиз бошланмасдан 30 аср илгари содир бўлган.

Одам ва дарё. Ўз кучларини мустаҳкамлаш ва узоқ яшаш мақсадида мисрликлар ташқи муҳитдан фойдаланиш йўллари излаганлар. Нил

¹¹ Египет на заре цивилизации. Загадка древнего народа (энциклопедия). М., 2012. С-25

атрофида жойлашган дастлабки кўчманчиларни ўзига жалб этган бу дарё инсон учун энг зарур бўлган ҳаётий бир манба эди. Тўғри, ҳар йили Нилда бўлиб турадиган сув тошқинига қарши бирон куч ишлатишга мисрликлар ожиз эдилар. Аммо, улар қурғоқчилик пайтларида ерларни суғориш учун каналлар ва ҳовузлар қазиб, сув сақлашни ўзлаштириб олганлар. Бир каналдан иккинчи каналга сув чиқариш учун «кадуф»лардан, яъни ўз ўқи атрофида айланувчи ингичка ходанинг бир учига челақ, иккинчи учига эса оғир тош боғланган оддий насослардан фойдаланганлар. Мисрликлар сув тошқини ҳажмини ҳам олдиндан кўра билганлар. Бунинг учун улар тошдан ясалган ва худди оддий чизғичга ўхшатиб чизилган асбоб «нилометр» лар қўллаганлар. Нилометрлар Нил қирғоғига қурилган деворга тик ҳолда ўрнатилган бўлиб, улар сув сатҳидан чиқиб турган. Тошаётган сув нилометрдаги белгиларни ювиб, юқорига кўтарилган ва янги сатҳдан жой олган. Шундай йўл билан мисрликлар бўлажак сув тошқинининг ҳажми ҳақида ахборот олиб турганлар. Нил дарёси фақат ҳаёт ва маданият манбайи эмас, балки ташқи дунё билан асосий алоқа қилиш йўли ҳам бўлган. Унда турли хилдаги кемалар, айниқса, савдо кемалари доимо кўп бўлган. Кемалардан баъзилари ҳатто Ўрта денгизга чиқишга ҳам журъат этганлар. Миср ўзида ўрмон бўлмаганлиги сабабли ташқаридан кедр дарахти, кейинчалик эса тайёр ҳолда елканли ҳамда эшакли ҳарбий кемаларни сотиб олган. Бундай қайиқлар археологик қазилмалар вақтида эҳромларда кўмилган ҳолда топилган. Бу техник ривожланиш ўз навбатида олий муҳандислар, риёзиётчилар ва олимларни юзага чиқарди. Худди қадимги ривожланган мамлакатларда бўлгани каби Мисрда ҳам бундай кишиларнинг деярли барчаси диндорлардан иборат бўлган ва улар авлиё ҳисобланиб, ўша давр фиръавнларига катта таъсир кўрсата олганлар.¹²

Маъмурият. Қадимги Мисрда маъмурият Нил ёқалаб жойлашган «ном»лар асосида вужудга келган. Маҳаллий ҳукмдор доирасида бўлган маъмурият «номарк» деб юритилган. Ҳар бир номарк ўзининг хусусий

¹² <http://www.drevniy-egipet.ru>

адлиясига ва худди ҳозирги замон хизматчилари каби ўзининг мирзаларига эга бўлган. Мирзалар асосан хатларни кўчириб ёзиш ва солиқ олиш каби ишларни бажарганлар. Баъзи номарклар хатто ўзларининг кўнгилли лашкарларига ёки шахсий қўшинларига ҳам эга бўлганлар. Шунга кўра, қадимги подшолик даврида (2780—2100 йил, эрамиздан аввал) фиръавн ўз қўли остидаги номарк фаолиятини унга берилган қонунни ҳуқуқ чегарасидан чиқиб кетмаслиги учун доимо назорат қилиб турган. Шундай вақтлар ҳам бўлганки, фиръавн Мемфис шаҳрини бошқара туриб, бутун мамлакатда жуда катта кучга эга бўлган. Миср дастлаб иккита подшоликдан иборат бўлган вақтида ҳам фиръавн «Икки давлат ҳукмдори» деган унвон билан аталган.¹³

Дафн ва одат. 1- ва 2-сулолалар фиръавнлари «мастаба» деб аталувчи қабрларга дафн этилганлар.¹⁴ Кўпинча атрофи тошлар билан тўсилган мастабалар хом ғиштлардан тўғри бурчак шаклида тикланган бўлиб, жуда кўп хоналардан ташкил топган.

Вафот этган фиръавннинг барча буюмлари шу хоналардан бирида сақланган. Чунки унинг тириклик чоғидаги идиш-товоқлари, кийим-кечаклари, ёғоч сандиқлари, мебеллари ва шунга ўхшаш нарсалари у дунёдаги ҳаёти учун зарур бўлади, деб ҳисобланган. Лекин ўша даврлардаёқ қабрларнинг деярли ҳаммаси ўғирланган. Шундай бўлса ҳам у ерларда қолган буюмларнинг парчаларидан қабрларда нималар сақланганини кўз олдимизга келтиришимиз қийин эмас. Жасад сақланган баъзи бир қабрларда фиръавннинг номи кўрсатилган. Ана шундай қабрлар Мемфис яқинидаги Саккара ва Ўрта Мисрдаги Абидос деган жойларда кўплаб топилган. Археологик қазилмаларнинг натижаларига қараганда икки қатор жойлашган мастабаларнинг ҳаммаси фақатгина битта фиръавннинг номи билан аталган. Бунни қуйидагича изоҳлаш мумкин:

¹³ Древние цивилизации. Египет, Греция, Рим (энциклопедия). М., 2015. С-34

¹⁴ <http://www.egypttravel.su>

Мисрликлар афсонавий худолар ичида энг асосийси ҳисобланган Осириснинг боши Абидосга кўмилган деб ўйлаганлар. Демак, Абидос муқаддас жой ҳисобланган. Шунинг учун ҳам фиръавн бу жойни ўлимидан кейин ҳам зиёрат қилиши зарур бўлган. Чунки у бир вақтнинг ўзида икки жойга дафн этилиши мумкин эмас-ку! Ҳар ҳолда қадимги мисрликлар ўлган фиръавннинг руҳи қабрдан-қабрга кўчиб юришига ва ҳар йили Осирис хотираси учун бўладиган диний байрамда иштирок этишига ишонганлар.

Баъзи бир олимларнинг ўйлашича, катта эҳром ёнидан қазиб олинган қайиқ ана шу кўчиш учун мўлжалланган. Лекин бошқа олимларнинг айтишларига қараганда, бу кема ўлган фиръавннинг руҳини осмондаги қуёш худоси «Ре»нинг жамиятига элтиш учун хизмат қилган.

Дин. «Ном»ликларда дин улар Нил атрофида яшай бошлаган вақтдан бошлаб пайдо бўлган.

Қадимги мисрликларда бир-бирига аралашган, қайсики, маҳаллий худомандларни ҳурматлаш, Осирис ва Исидаларга сажда қилиш, қуёш худоси Амон Рега топиниш каби диний қарашлар мавжуд бўлган. Улар мамлакатда ҳокимият ва жамият ҳаётини белгилаган. Шу боис меъморчилик ёдгорликларининг талайгина қисмини диний иншоотлар — ибодатхоналар ва мақбаралар ташкил этган.

Дехқончиликнинг ривожланишида Нилда бўладиган ва даврийликка асосланган баҳорги ва кузги сув тошқини, кетидан келадиган қурғоқчилик ва уларнинг яна такрорланиши мисрликларда табиатнинг ривожланиши, ўлиши ва яна ривожланиши тушунчасини шакллантирган. Бу эса инсон ҳаёти, худо Осириснинг ўлиши ва яна тирилиши ҳақидаги диний ишончнинг пайдо бўлишига олиб келган.

Ҳақиқатан ҳам қадимги мисрликлар инсон ҳаётини ва табиатдаги такрорий ўзгаришларни худолар бошқарадилар деб ишонганлар. Аммо негадир худоларни ҳайвон бошли одам қиёфасида тасаввур этганлар. Фикримизча, бу тушунча мисрликларда авлодлари овчилик билан ҳаёт кечирган вақтдан буён сақланиб қолган бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Албатта, биз бу ерда Қадимги Миср динининг ўта мураккаблигини ҳисобга олган ҳолда, фикримизни чуқурлаштирмай, меъморчилик санъати билан боғлиқ бўлган асосий худоларга назар ташлаймиз.

Қадимги Мисрликларнинг худолари подшоси бу лочин бошли қуёш худоси Ре ҳисобланган. У суратларда доимо подшолик рамзи сифатида думалоқ шар шаклида тасвирланган. Мисрликлар фиръавн Ренинг ердаги фарзанди, у ҳар куни олтин қайиқда осмонда сайр қилади ва ерга тушади деб ишонганлар.

Фиръавннинг худоси бу лочин қуш кўринишидаги «Хорус» бўлган. Демак, Нармер подшолик қилган пойтахт Мемфиснинг худоси Ре Нармернинг худоси эса Хорусдир. Буни Хиеракополис деган жойдан топилган Нармернинг машҳур тоштахта политрасида кўриш мумкин. Унда шоҳ ва унинг атрофидагилар тантанавор қадам ташлаб, душман сафларини ёриб ўтаётгани умумий чизиқларда кўрсатилган. Яна палитрада маълум даражада аниқ ва ноаниқ белгиланган расмлар ҳам бор. Чамаси уларда шоҳ ғалаба қилган шаҳарлар кўрсатилган бўлса керак. Худо Ре ҳукмдорлик ҳуқуқидан фойдаланган бўлишига қарамасдан, Хорус ҳеч қачон ўз аҳамиятини йўқотмаган. У ўсимлик ва деҳқончилик ҳомийси, ер ости дунёсининг худоси Осирис ва унинг рафиқаси ҳам синглиси, табиат маъбудаси Исидаларнинг ўғли 2000 та Миср худолари сағанаси «ПАНТЕОН»нинг бир бўлагидир. Йиртқичлар орасида энг хавфлиси шер ҳисобланган. Энг даҳшатли мусибат — даволаб бўлмайдиган касалликларни ўлат касаллиги келтирган. Ана шундан хабар топган шер бошли уруш маъбудаси ғазабга келиб, жанг бошлаган. Ўлим чекиниши билан ашула, рақс ва мусиқа худоси Бес ўйин кулги бошлаган.

Яна Ибис (лайлаксимон қуш) бошли ақлу-идрок ва ёзув худоси Тахт, чиябўри бошли мўмиёлаш худоси Анубис ва бошқа бир қанча худолар мавжуд. Уларнинг барчаси меъморчилик ёдгорликлари, ибодатхона ва мақбараларда ўз аксини топган.

Мўмиёлаш санъати. Қадимги Мисрда мўмиёлаш санъати ҳам юксак даражада ривожланган. Танани мўмиёлаш дин билан узвий боғлиқликда бўлган. Мўмиёлашдан асосий мақсад танани у дунёдаги ҳаёт учун сақлашдир. Агар тана ҳалок бўлса, унинг руҳи «Ка» ҳам nobуд бўлади. Оиланинг имкониятига қараб мўмиёлашнинг ҳар хил усуллари мавжуд бўлган. Энг яхши ва лекин энг қиммат усул танадан унинг барча ички аъзоларини олишни талаб этган. Уларни яхшилаб қуритиш ва ўраб, «каноба» деб аталган идишларга солиб қўйиш керак бўлган. Сўнг бош мия олинган. Юрак эса алоҳида мўмиёланган ва қайтадан танага қўйилган. Чунки бу аъзо (бош мия эмас) ақл манбайи деб баҳоланган. Тана 90 кун мобайнида ўювчи натрий эритмасига солиб қўйилган. Шундан сўнг унга ҳаёт кўринишини бериш мақсадида юз териси орасига мохирлик билан ёстикчалар қўйилган. Кейин тананинг ҳаммасини сурп билан ўрашган. Шоҳларни ёки муҳим шахсларни мўмиёлаганда, уларнинг қимматбаҳо олтин-кумуш буюмларини белбоғ орасига яширганлар. Лекин мақбара ўғрилари жасад безатилган хазинани олиш мақсадида мўмиёланган танани яланғочлаганлар. Мўмиёланган танани олтин пластинка билан қопланган ёғоч тобутга солганлар. Хўш, буларни биз каердан биламиз? Агарда машхур Тутанхамон мақбараси бўйича фикр юритадиган бўлсак (бизга маълум бўлган фиръавнларнинг дафиналари ичида ўғирланмай топилган ягона мақбарадир), ундаги тобут жуда чуқур (учтаси устма-уст қўйилган) ва тоза олтиндан ишланган.¹⁵

Фикримизча, бундай мўмиёлаш одати подшолик учунгина бўлиб, айниқса у янги подшолик даврида Нубия мамлакатидан кўплаб олтин олиб келиш вақтида авж олган.

1.2. Қадимги Мисрда ёзув ва адабиётнинг юзага келиши.

¹⁵ Kabirov A, Korovkin F. Jahon tarixi T., 1995. B-31

Ёзув маънавий маданиятнинг ажралмас қисмидир. Қадимги мисрликлар бундан 6—7 минг йиллар муқаддам белги-расмлар шаклидаги иероглиф ёзувини кашф этганлар. Бу ёзувлар 750 белги-расмлардан иборат бўлган. Миср ёзувида нарса ва ҳодисалар ҳар турли расм ва белгилар ёрдамида ифода этилган.¹⁶ Масалан, сув сўзи уч қатор тўлқинсимон чизик, тоғ сўзи ост томони текис, юқори томони қабарик, ўртаси ботиқ шакл билан ифода этилган. Ёзув санъати Мисрда Нармер даврида, балки ундан ҳам илгари яратилди. Мисрда ёзув мажбурий равишда архивларни сақлаш, айниқса, халқдан солиқ олиш жараёнида дунёга келди. Дастлабки ёзувлар фақат расмларда ифодаланиб, улар эркаки, аёлни, сигирни, қўшни ва бошқа буюмларни акс эттирган. Сонлар эса чизикларда кўрсатилган. Кейинчалик расмлар ёки белгилар буюм ёки нарсаларни эмас, балки сўз, овозни ҳам билдирган. Мисрликлар ёзувда фонетикани қўллаганлар. Демак, айтиладиган сўзлар ана шу белгиларга қараб ижро этилган. Юнонлар бу белгиларни иероглифлар, яъни «муқаддас белгилар» деб атаганлар, чунки улар бу белгиларни мутлақо тушунмаганлар. Қизиғи шундаки, мисрликлар ундош товушларнигина ишлатганлар. Мактубнинг умумий шакли ўқувчига унинг мазмунини аниқлаб берган. Ҳозирги замон кишиси қадимги Миср ёзув санъатини шунчаки бир оддий нарса деб айтолмайди, албатта. Шунинг учун ҳам археолог олимлар ҳанузгача тўлиқ тушунарли бўлмаган бу «муқаддас» белгиларни ёки иероглифларни ўқиш учун жуда кўп вақт сарф қилганлар. Дастлаб белгилар лойдан ишланган идишларда тасвирланган. Кейинчалик мисрликлар Нил қирғоқларида ўсадиган «папирус» ўсимлигидан ёзув қоғозни кашф қилганлар.¹⁷

¹⁶ Лев Любимов. Искусство Древнего Мира. М., 1980. С-52

¹⁷ <http://www.history.ru>

Бизга нотаниш, жумбоқ бўлган Миср иероглифлари қандай ўқилган?

1798-йил май ойида франсуз флоти Тулондан очик денгизга чиқди. Капитан кўприкчасида генерал Бонапарт одати бўйича қўл қовуштириб турарди. Мисрга борадиган экспедитсия йўлга тушган эди. Бонапарт К. Нибурнинг «Арабистонга ва атрофдаги мамлакатларга саёҳат тавсифи» деган китобини ўзи билан бирга олиб кетаётган эди. Бу китобда Шарқнинг таомил ва урф-одатларигина эмас, балки қадимий обидалари ҳам баён қилинган эди.¹⁸ У даврларда Миср Европа учун бир жумбоқ эди. Энг қадимий ёзув ва буюк маданият соҳиби бўлган бу ўлка тўғрисида Ғарбга биринчи бўлиб сўзлаб берган киши Қадимги Юнонистоннинг толмас сайёҳи ва муаррихи Геродотдир. Уч минг йилдан зиёд давр сурган қадимги қудратли давлатни эрамизнинг 638 йилида араб-мусулмонлар забт этган. Искандарияга хужум қилинган вақд-да у эрдаги нодир кутубхона — ўша замондаги энг катта ва ноёб билим хазинаси ёниб кетган. Ўтмишда улуғ маданият маркази бўлган Миср шу вақтдан эътиборан христиан олаmidан бутунлай узилиб қолган. Европага Миср ҳақида ҳеч қандай маълумот етиб келмаган.

Мисрга бўлажак император билан бирга аскарларгина эмас, турли ихтисосдаги олимлар: астрономлар, кимёгарлар, минералоглар, шарқшунослар ва рассомлар ҳам жўнаб кетишган. Нил соҳилларига илмий асбоб-анжомлар солинган яшиқлар, Миср ҳақида бутун бошли бир кутубхона бўларли китоблар олиб борилган.

Наполеон бу ерга келганидан кейин дастлабки ҳафталардаёқ машҳур Миср институтини ташкил этган. Мутахассислар мамлакатнинг ўтмишини ва шу кунини ўрганишга киришганлар. Бироқ Наполеонни кўпроқ мамлакатнинг ҳозирги куни қизиқтирган.

¹⁸ Наполеон в Египте. М., 2012. С-26

Бонапарт олимларнинг мамлакат аҳволи, савдо-сотиғи тўғрисидаги хулосаларидан кўпинча ҳарбий разведка маълумоти си-фатида фойдаланган.

Инглизлар билан франсузларнинг Миср учун бўлган курашида гоҳ у томоннинг, гоҳ бу томоннинг қўли баланд келиб турган. Оқибат-натижада франсузлар енгилган ва Бонапарт Мисрдан жуфтакни ростлаган.

Бироқ бу экспедитсия фанга, шубҳасиз, фойда келтирди. Олимлар гоҳат бой материал тўплади. Шу материаллар асосида «Миср тавсифи» деган ажойиб асар вужудга келди.

Жаҳон маданияти учун энг муҳим аҳамиятга молик бўлган ҳодиса 1799-йил 2-августда содир бўлган. Шу куни франсузлар инглизларнинг денгиз томондан бўлаётган ҳужумини даф этиб, соҳилни қўлда сақлаб турганлар. Розеттадан етти километр наридаги қадимий Рашид қалъасини ҳимоя қилаётган аскарлар хандақ қазиш тўғрисида буйруқ олганлар. Аскарлардан бирининг белкураги ногаҳон каттиқ бир нарсага урилган. Қарасалар, аллақандай ёзувлар битилган қоп-қора тош тупроққа кўмилиб ётган. Топилдиқ ҳақида шу заҳоти офитсерга хабар етказилган.¹⁹

Юришни бошлашдан олдин Наполеон осори атиқаларга эҳтиёт бўлиш, энг ноёб ва қизиқарли топилдиқларни тўплаб олимларга топшириш хусусида кўрсатма берган. Бундан ташқари, Наполеон офитсерлари анча-мунча ўқимишли кишилар бўлган. Кўпчилиги юнон тилини ва бошқа қадимий тилларни билишган.

Шу боисдан Рашид қалъасидаги топилдиқ олдида бир пасда офитсерлар тўпланишган. Силлиқланган бу қора базалт тошга ёзувлар

¹⁹ Древний Египет (энциклопедия). М., 2016. С-78

битилган экан. Катталиги стол тахтасича келадиган бу тошдаги ёзувлар уч тилда ёзилганлигини офитсерлар бир назар ташлашдаёқ фаҳмлаб олганлар. Ўн тўрт сатрлик юқориги ёзув (тошнинг шу жойидан каттагина қисми синиб кетган) иероглифдан иборат; анча яхши сақланган ўртадаги ёзувни офитсерлар сурия ёзувиغا ўхшатганлар (лекин бу ёзув миср демотика ёзувининг бир тури бўлиб чиққан); пастки ёзувнинг эски усулдаги ҳарфлар билан ёзилган юнон хати эканлигини офитсерлар ўша заҳотиёқ билишган.²⁰

Олимларнинг орзулари ушалди. Ахир, улар иероглифларни ўқишга узоқ йиллар уриндилар ва, ниҳоят, билингва, «икки тилдаги» ёзув: иероглиф ва европаликларга тушунарли тилдаги ёзув топилсагина бу соҳада муваффақият қозониш мумкин, деган хулосага келдилар. Биратўла «уч тилдаги ёзув» — трилингва топилди!²¹

Турган гапки, уч тилдаги ёзув битилган бу тош (уни Розетта тоши деб аташди) келгусида мисршунослик фанининг тамал тоши бўлиши ўша вақтда франсуз офитсерларининг хаёлига ҳам келмаган. Лекин бу қимматбаҳо топилдиқ зудлик билан Қоҳирага, Миср институтига юборилди. Франсуз олимлари, бундан кейин нима бўлишинигўёбашорат қилгандек, ёзувларнинг изини қоғозгабосиб туширишди ва ундан нусха тайёрлаб, Франциягажўнатишди. Таслим бўлиш шартларига мувофиқ, франсузлар Мисрдан топган жамики нарсаларини бир мунчавақтдан кейин инглизларга топшириши лозим эди. Шу тарзда Розетта тоши —инглиз генерали ўз рапортида калондимоғлик билан таъбирлаганидек, «Британия қиролининг мағрур

²⁰Наполеон в Египте. М., 2012. С-34

²¹ <http://www.ziyounet.uz>

ўлжаси»—Британия музейига келиб қолди.

Миср ёзуви қандай ўқилганлигини ҳикоя қилишдан олдин унинг тузилиш принципларига қисқача тўхтаб ўтамиз.

Миср ёзуви асос-еътибори билан идеографик хат бўлиб, унда ҳар бир тушунча муайян тасвир — белги — иероглиф билан ифодаланган. «Иероглиф» юнонча сўз бўлиб, луғавий маъноси «муқаддас белги». Иероглиф инсоннинг ажойиб топқирлигидан, кузатувчанлигидан далолат беради. Ёзув системасида уч хил белги ажралиб туради.

Ҳис-туйғу билан идрок этиладиган нарсаларни тасвирловчи идеограммалар;

Ҳис-туйғу билан идрок этиладиган ҳаракатлар;

Мавҳум тушунчалар тасвирий йўл билан ифодаланган.

Мавҳум тушунчаларни ифодалаш учун фонетик белгилар ҳам қўлланилган. Эшитилиши бир-бирига ўхшаш, лекин маъноси ҳар хил сўзлар, яъни омонимлар шундай белгилар билан ифода этилган. Бир-бирига ўхшаш, лекин айнан бир хил бўлмаган «хол» (юздаги хол) ва «ҳол» (ҳол-аҳвол маъносида) сингари сўзлар битта белги билан ифодаланган бўлиши мумкин. Бундай ҳолларда мисрликлар тўла айният бўлишига ҳаракат қилмаганлар.

Юқорида айтиб ўтилган «детерминативлар» ёки «очқич белгилар», гарчи талаффуз этилмаган бўлсада, жуда катта аҳамиятга молик бўлган. Улар битта белги билан ифодаланган омонимларни бир-биридан фарқлашга хизмат қилган. Миср белгиларининг аксарият кўпчилиги детерминативга эга. Масалан, жинс детерминативи: эркак киши исмидан кейин ёки эркак билан боғлиқ ифодадан сўнг ўтирган эркакни тасвирловчи белги ва, аксинча, аёл киши исмидан кейин ёки алоқадор ифода охирига аёлни тасвирловчи белги қўйилган.

Мамлакатлар детерминативи — катталиги чекланган бир парча ер, вақт детерминативи — қуёш гардиши, иш-ҳаракатлар детерминативи — бирон юмуш билан машғул қўл, мавҳум тушунчаларники—қўлёзма ўрами билан ифодаланган.

Мисрликларнинг ўз фикр-мулоҳазаларини ёзма равишда баён этишларига ёрдам берган бу белгилар икки маъно чиқишини истисно этган.

Энди белгиларнинг жойлашиши хусусида. Хатни ёзиш йўналиши қатъий белгиланмаган. Биз чапдан ўнгга қараб ёзамиз, мисрликлар эса, белгиларни камдан-кам ҳоллардагина чапдан ўнгга қаратиб чизганлар. Бундан кўра уларга белгиларни ўнгдан чапга ёзиш кўпроқ маъқул тушган. Лекин белгилар асосан устун тарзида, юқоридан пастга қўйиб чиқилган. Устунлар ўнгдан чапга қараб жойлаштирилган. Исм ва номлар «ребус» усулида ёзилган. Бироқ бу ёзувларда унли товушлар йўқ. Унли товушлар сони ва уларнинг жойланиши, ундош товушлар билан бирикиш тартиби кўпинча бизга маълум эмас.

Мисрликлар тилида бир ундош ва унлидан таркиб топган бир бўғинли сўзлар бўлган, лекин унли товуш ёзувда кўрсатилмаганлиги сабабли бир бўғинли сўзлар ҳарфга ўхшаш шаклда ифода этилган. Лекин бундан, мисрликлар ҳарфни ихтиро қилганлар, деган маъно чиқмайди. У замонларда кишилар ўз нутқларини бўғин ва товушларга ажратишни билмаганлар, шунинг учун улар бундай белгиларни ҳарф деб тушунмаганлар.

Юқорида биз миср ёзувини иероглиф деб атадик. Аслини олганда, бундай дейиш тўғри эмас, ёзув тушунчасининг маъноси кенгроқ. Гап шундаки, мисрликлар уч хил: иероглиф, иератик ва демотик ёзувлардан фойдаланишган.

Иероглифика ёзуви ҳашаматли ёдгорликларда қўлланилган. Чет элликларнинг биринчи бўлиб диққатини тортган нарса ана шу иероглифлар бўлган. Улардаги қатъий ва тантанавор чизиқлар асрлар давомида одам-ларнинг юрагини тўлқинлантирган. Шунинг учун ҳам кўпларбу шаклларни ҳаётнинг чин маъносини очиб асраш, теварак-атрофдагиларга таъсир этиш қудратигага бўлган аллақандай мўжизакор кучлар биланбоғлиқ деб тасаввур этганлар.

Иератика ёки китоб ёзуви белгиларининг оддийлиги биланажралиб турган; бу ёзув ўзининг расмлик хусусиятини бирмунча йўқотган. Иератика белгилари папирус қоғозига тушириш жараёнида шаклланган ва дунёвий китоблар ҳамда хат-хабарлар учун қўлланилган.

Диний ёзувлар ҳам иератикада ёзилган. Иератика ёзувидан иборат энг қадимий ёдгорлик эрамиздан илгариги 3000 йилга мансубдир.

Демотика (юнонча «демос» сўзидан олинган бўлиб, халқчил маъносида) ёки тезхат. Бу хат белгиларнинг шаклини тобора соддалаштириш жараёнида эрамиздан аввалги ВИИИ асрда шаклланган. Дастлаб хизматга доир ёзишмаларда қўлланилган, кейинчалик адабий ва илмий асарлар ёзишда фойдаланилган.²²

Эҳром деворларига, ҳайкалларга, тош тобутларга ўйиб хат ёзиш мисрликларнинг севган машғулотларидан бўлган. Лекин мисрликлар кундалик эҳтиёжлар учун папирусдек қулай материални ҳам топишган. Уни Нил дарёси бўйидан олиб келинган қамишдан тайёрлашган. Папирус синадиган, мўрт материал бўлганлиги учун ундан фақат ўрамлар кўринишида китоб тайёрлаш энг қулай йўл бўлган. ;

Папирусга чўп ёки мўй қалам билан қора ё зарғалдоқ-қизил ранг сиёҳда ёзганлар.

²² В.Драчук. Ёзувлар – ўтмиш сирлари шохиди. Т., 1976. Б-71

Иероглифлар кўп асрлар мобайнида жумбоқ бўлиб келди. Бу хусусда ўртага ташланган фаразлар, тахминлар, тусмоллар истаганча топилади. Бировлар, иероглиф ёзув эмас, балки мунажжимларнинг нишонларидир, деса, бошқалар, булар оддий нақшлардир, коҳинлар уларни ёзув деб кўрсатиб содда юнонларни ишонтирмоқчи бўлганлар, деган. Учинчи тоифа кишиларнинг тахминича, иероглифлар — коҳинларнинг сеҳр-афсуни. Илоҳий, муқаддас аломатлар. Миср афсоналарининг инъикоси. Хуллас, тахмин устига тахмин. Бир немис олими иероглифлар — тошни кемириш хусусиятига эга бўлган алоҳида бир туркум шиллиқ қуртларнинг ҳаёт фаолияти натижасидир, дейишгача бориб етган.

Шунга қарамай тадқиқот ишлари давом эттирилган.²³

Қадимги Миср Ёзуви.

Қадим замонларда Мисрдан Римга сиртига иероглифлар чизилган ёдгорлик тошлар олиб келинган. XVII асрда иезуит А.Кирхер ана шу тошларни ўрганишга киришган. У ҳар қанча урингани билан иероглифларни ўқиб тушуна олмаган, лекин унинг баъзи фикрлари кейинроқ мисршуносларга асқотган. Қадимги миср тилидан келиб чиққан копт тилини билмасдан туриб иероглифларни ўқиб бўлмаслигини биринчи бўлиб А. Кирхер тушунган.

Розетта тоши топилгандан кейин иероглифлар жумбоғини ечишга бўлган иштиёқ янада кучайиб кетди. Йирик франсуз шарқшуноси С. де Саси бу ёзувлар устида кўп бош қотирган.

²³ Наполеон в Египте. М., 2012. С-26.

У дастлаб демотик текстни чуқур ўрганиб чиқиб, унда юнонча текстдаги Птолемей эпифан, **Александр** ва бошқаларнинг номларига тўғри келадиган **белги** группалари борлигини аниқлаган.

Лекин, барибир, С. де Саси иероглифларни ўқий олмаган ва ошкора суратда: «Муаммо ниҳоятда чигал ва уни илмий жиҳатдан ҳал этиб бўлмайди» деган.²⁴

Лекин С. де Саси ҳақиқий олим экан: у ўзи қила олмаган ишни бошқалар уддалашига умид боғлаганидан, Розетта тошидаги ёзувнинг бир нусхасини швед археологи Д. Окербладга юборган. Бу олим ўша копт тили билан шуғулланарди.²⁵

Д. Окерблад енг шимариб ишга киришган. У классик ва шарқ филологиясини яхши билганлиги учун демотик текстнинг юнонларга оид қисмидаги барча атоқли отларни мустақил равишда таниб билиш ва ўқишга муяссар бўлган, шу билан бирга айрим мисрча сўзларни (ибодатхона, юнонлар ва бошқаларни) ҳам ўқий олган. Бироқ С. де Саси каби Д. Окерблад ҳам, миср тилида унли товушлар тушиб қолишини ҳисобга олмаган. Бунинг устига, у, демотик ёзув ҳарфларга асосланган, иероглифлар эса фақат сўз ва тушунчаларни билдиради, деб ҳисоблаган. Тадқиқот учун асос қилиб олинган мана шу нотўғри йўл олимни боши берк кўчага олиб кирган.²⁶

Ишни келган жойидан давом эттириш машҳур инглиз табиатшуноси ва медики Т. Юнгга насиб этди. Т. Юнг ҳайрон қоларли даражада талантли ва ҳар нарсадан хабардор киши эди. У икки яшарлигидаёқ ўз она тилида шариллатиб ўқий олган, ўн тўрт ёшида араб, қадимги яҳудий, юнон, форс, франсуз, италян ва лотин

²⁴ В. Драчук Ёзувлар – утмиш сирлари шохиди. Т.: 1976. Б-87

²⁵ <http://www.egypttravel.su>

²⁶ <http://www.vikipediya.uz>

тилларини билган. Медитсинадан ташқари, физика, биология фанлари, хаттотлик билан шуғулланган.

Унинг ажойиб бир хусусияти бўлган — бошланган ҳар қандай ишни охирига етказмай қўймаган.

Розетта тошидаги демотик ёзувнинг олдинги беш сатри таҳлилини Д. Окербладдан олгач, Т. Юнгга янги ғоя тинчлик бермайди. Одатда Т. Юнг ёзги таътил вақтида шаҳардан ташқарига чиқиб кетар ва албатта ўз касбига алоқаси бўлмаган бирор иш билан шуғулланар экан. Бу галги таътилда, у миср ёзувининг нусхасини олиб кетган. Бу «арзимас» воқеа мисршунослик илмида катта аҳамият касб этган.²⁷

Қизиғи шундаки, Т. Юнгнинг махсус филологик тайёргарлиги бўлмаган, шунингдек шарқ тиллари бўйича ҳам чуқур лингвистик билимга эга бўлмаган, ўзининг бу борадаги хулосаларига фақат математик ҳисоблар ва таққослашлар йўли билан келган. Т. Юнг демотик ёзув — иероглифларнинг тез ёзиладиган варианты эканлигини шу усулда исботлаб берган. Олим демотик текстдаги юнонча исмлардан лоақал биттаси унинг иероглифлар билан ёзилган қисмида учраши шарт ва у такрорланаётган овал шакл ичида бўлса керак, деб тахмин қилган.

Т.Юнг иероглифлар жумбоғини демотик ёзув ёрдамида ечиш мумкин, деган қатъий фикрга келган. Олим шу йўлдан бориб, 70 дан ортиқ иероглифнинг ёки иероглиф группаларининг маъносини аниқлашга муваффақ бўлган. У подшо Птолемей ва малика Береникаларнинг исмларини излаб топган, бу исмларни товуш ва белгиларга бўлиб, фонетик иероглифларни ўқиш йўлини топган. Шунинг ўзи катта ютуқ эди.

²⁷ Египет Исторический (404 фотографии русский). Escudo De Oro.

Жумбоқнинг ечилишига бир баҳя қолгандек эди. Аммо Т. Юнгнинг тезхат (демотик ёзув)даҳам, иероглифларда ҳам фонетик белгилар бўлмаган деган эътиқоди унинг йўлида тўғаноқ бўлган. Бу олим ҳам боши берк кўчага кириб қолган. Т. Юнг бошлаган ишини умрида биринчи марта охиригача етказа олмаган.

Лекин бу вақтда Францияда **Ж. Шамполон** юлдузи чақнайди.

Ж.Шамполон Миср билан шу қадар қизиққанки, литсейда ўқиб юрган чоғларидаёқ «Миср фиръавнлар даврида» деган катта илмий асар ёзган, айти вақтда Қадимги Мисрнинг биринчи географик харитасини ҳам тузган. Бу шу қадар улкан, умумлаштирувчи ва фанга янгилик киргизувчи асар бўлганки, литсейни эндиgina битирган ўн олти яшар муаллиф бир оғиздан Гренобл шаҳри академиясининг ҳақиқий аъзолигига сайланган. Шунда академия президенти кишини тўлқинлантирувчи нутқ сўзлаб: «Ҳали ёш бўлишингизга қарамасдан, Академия сизни тантанали равишда ўз аъзоси қилиб сайлайди. Бу билан Академия сизнинг қилган ишларингизни баҳолайди, лекин бунда кўпроқ келгусида қила оладиган ишларингизни назарда тутди! Сиз ўзингизга бўлган умидларни оқлайсиз деган фикрни Академия мамнуният билан қайд этади, асарларингиз хайрли бир кунда сизга шон-шуҳрат келтирса, сизни биринчи бўлиб тақдирлаган Академияни эслаб қўйинг!». ²⁸

Ўқувчиликдан бирданига академикликка! Ҳаётдаги бундай фавқулодда ўзгариш учун даҳо эгаси бўлишнинг ўзи кифоя қилмайди. Бу — маълум мақсадга йўнал-тирилган катта меҳнат самараси ҳамдир. Болалигиданоқ ўз олдига олижаноб мақсад қўйган, унга содиқ қолган ва ниятини амалга ошириш учун сабот-матонат кўрсатган, ғайрат камарини бойлаб олган кишигина шунчалик кўп иш қилиши мумкин.

²⁸ Египет на заре цивилизации. Загадка древнего народа (энциклопедия). М., 2012. С-67

Ўз ҳаётини Миср сирларини очишга бағишлаган Ж.Шамполон бунга яққол мисол бўла олади.

Ёш Ж. Шамполоннинг омади келиб, унга Парижда С. де Саси:— «буларнинг тагига қиёматда ҳам етиб бўлмайди» деб, иероглифлар олдида ошкорона таслим бўлган олим устозлик қилишга бажону дил розилик берган. Унинг раҳбарлиги остида Ж.Шамполон санскритни, араб тилини, С. де Саси таъбири билан айтганда, «Шарқнинг италян тили» бўлган форс тилини тез ўзлаштириб олади.

Ж.Шамполон арабчани шунчалик пухта ўзлаштирганки, сўзлаганида ҳатто товуши ҳам шунга яраша ўзгарарган. «Мен лабимни деярли қимирлатмасдан гапира оламан, бу эса менга табиат ато этган шарқона қиёфамни янада бўрттириб кўрсатса керак²⁹»,— деб ёзган у акасига йўллаган мактубларидан бирида. Хатининг давомида эрмак учун «Хитой грамматикаси» китобини юборишни илтимос қилган.

Кейин Ж.Шамполон занд ва паҳлавнй тилларини ўрганади. Лекин унинг асосий диқдат-еътибори копт тилида бўлади. «...Мен шунчалик коптлашиб кетдимки,— дейди акасига ёзган яна бир хатида,— миямга келган ҳар қандай жумлани коптчага таржима қилиб, шундан завқ оламан. Ўзим билан ўзим коптчасига гаплашаман, чунки бошқалар мени барибир тушунмасди...»³⁰

Шу тариқа у уч йил мобайнида сабр-бардош билан ҳар куни тилдан машқ қилади. Ёш олимнинг моддий шароити анча оғир эди: агар акаси ёрдам қилиб турмаса, очликдан ўлган ҳам бўлар эди.

Ж.Шамполон ўн тўққиз яшарлигида Греноблда тарих фанлари профессори унвонига сазовор бўлган. Лекин «ҳали эрта» деган мулоҳаза билан Розетта тошини текширишга киришмаган, бошқа миср

²⁹ Египет на заре цивилизации. Загадка древнего народа (энциклопедия). М., 2012. С-69

³⁰ Древний Египет (энциклопедия). Махаон., 2016. С-71

ёзувларини ўрганишни давом эттирган ва улардан нусха кўчирган.³¹ Шу аснода у муҳим бир кашфиёт қилган. Ж.Шамполонга қадар мисрликларнинг икки хил — иероглиф ва демотик ёзуви бўлган деб ҳисоблаб келинган. Ж.Шамполон эса қадимги мисрликлар ёзувининг учинчи хилини, яъни иератик ёзувни кашф этган. Шундан кейингина Қадимги Мисрда дастлаб иероглифика пайдо бўлганлиги, ундан иератика ёзуви келиб чиққанлиги, бора-бора тезхатга асосланган демотик ёзув вужудга келганлиги, бу ёзув иероглификадан икки ярим минг йилга ёшроқ эканлиги рўй-рост аён бўлган... Қадимги ёзув ана шундай катта йўлни босиб ўтган.

Ж.Шамполон бир талай қадимги тилларни ўрганганидан ва копт тилини мукаммал эгаллаганидан кейин энг асосий масалага киришган — қадимги мисрликлар тилининг моҳиятини англаб олишга ҳаракат қилган. У ишни айрим сўзларнинг маъносини англашдан эмас, балки бутун системани тушуниб олишдан бошлаган; бу уч хил ёзув кўринишидан ҳар хил бўлсада, уларнинг ички моҳияти бир хил эканлигини тўғри фаҳмлаган. Бу, ҳақиқатан ҳам, ягона ёзув системаси бўлган. Модомики демотикада фонетик белгилар бор экан, бинобарин, улар иероглиф ёзувида ҳам бўлиши керак. Шундай қилиб, иероглифлар жумбоғини ечишда олдинга қараб катта қадам ташлаган. Ниҳоят, Ж.Шамполон мисршуносликни олдинги тадқиқотчилар етаклаб кирган боши берк кўчадан олиб чиққан.

Яна бир муваффақият: Ж.Шамполоннинг иероглиф ёзувида фонетик белгилар бор, деган фикри кутилмаганда тасдиқланган. 1821-йил 23-декабрда— айна ўзининг туғилган кунида Ж.Шамполоннинг миясига Розетта тошидаги иероглиф белгилари билан юнонча текстдаги сўзларни санаб чиқиш фикри келади. Ёш олим

³¹ <http://www.drevniy-egipet.ru>

санаб кўриб ҳайратда қолади: 486 та юнонча сўзга 1419 та иероглиф тўғри келади. Иероглиф ёзувида эса 166 та белги. Ана шундан кейин Ж.Шамполон иероглифлар фақат белги-сўзларгина, идеограммаларгина бўлмай, улар товуш ҳам эканлигига қатъий ишонч ҳосил қилади.³²

Энди иероглифлар жумбоғи ечилай-ечилай деб қолган эди. Шамполон бу ишни бошлаб юборавериши мумкин эди. У бошлаб юборади ҳам. У иероглифни ўқишни ҳукмдор исмидан бошлашни маъкул топади. Шу йўл оддий ва мантиқан тўғри эди... Розетта тошидаги ёзувнинг мазмуни юнонча текстдан маълум эди: Миср коҳинлари подшоҳ Птолемей эпифанни жуда улуғлашган. Птолемейнинг исми иероглифлар билан ёзилган текстда ҳам бор эди, албатта. Махсус рамка — картуш ичига олинган бир гуруҳ белгилар подшоҳнинг исмини ифодаловчи белгилар эканлигини фаҳмлаб олиш қийин эмасди. Ҳақиқатан ҳам, алоҳида ажратиб кўрсатиш учун бундан муносиброқ сўз бўлиши мумкинми, ахир? Ҳа, фақат подшоҳнинг исми ажралиб туриши керак. Саккизта иероглиф белгини саккизта товуш билан солиштириш ҳамирдан қил суғургандай осон иш.

Аммо буни тасдиқловчи далиллар керак эди. Шундай далиллар топилди. Ўша йиллари топилган «Филе ёдгорлиги» деган осори атиқага икки хил — иероглиф ва юнонча ёзув битилган эди. Бу билингвадир!³³ энг муҳими шуки, бу ёдгорликда ҳам, худди Розетта тошидагидек, Птолемей исми картуш ичига олинган! Энди солиштирадиган нарсаси бор! Бундан ташқари, рамка ичига олинган яна бир гуруҳ белгилар олимнинг диққатини ўзига тортди. Шамполон юнонча текстдан малика Клеопатра исмини ўқиб, бу ном иероглифларда ҳам бўлиши керак, деб тахмин қилди. Бундан кейинги

³² <http://www.drevniy-egipet.ru>

³³ Наполеон в Египте. М. 2012. С-47

ишлар жуда тез кетди... Шамполон иккала гуруҳ белгиларни ҳам кўчириб олиб устма-уст жойлаштирди. Рамка ичига олинган Птолемей сўзида «л» товушини ифодаловчи иероглиф (шер тасвири) бошдан ҳисоблаганда тўртинчи ўринга, Клеопатра сўзида эса иккинчи ўринга қўйилган.

Демак, миср фонетикасининг бир белгиси топилди. Шамполон белгиларни диққат билан кўздан кечиришда давом этди. Бу исмларда яна иккита айнан бир хил белгилар борлигини аниқлади, улар «п» ва «т» товушларини билдирар эди.³⁴ Иероглифлар жумбоғини — Миср сирларини очадиган калит топилди. Аммо Шамполон сал нарсага ҳовлиқиб кетавермайдиган, ўзини тута биладиган одам-лардан эди, шунинг учун кашфиётини ҳеч кимга ошкора қилмасдан, янги далиллар, янги фактлар ахтара бошлади. У бошқа картушларни ўрганиб чиқди. Александр исмини ўқишга муваффақ бўлганидан кейин иероглифлар рўйхатига «н» ва «с» товушларини қўшди. Олим малика Береника исмини ўқигач, иероглифлар алифбосига яна бир товуш — «б»ни қўшди.³⁵

Шамполон бора-бора иероглиф алифбосининг йигирма тўртта товушини бемалол ўқийдиган бўлиб қолди. Катта ғалаба! Лекин унинг учун бу камлик қилади. 1822-йил 14-сентябр куни эрталаб олим бошқа ёзувдаги бир картушни ўқишга киришди. Бу ёзувда бор-йўғи тўртта белги бўлиб, кейинги иккитаси бир хил экан. «Бу ерда ундошлар такрорланиб келган бўлса керак», деб ўйлади ёш олим беихтиёр.

Биринчи иероглиф унга номаълум: бу — гардиш. Шамполон шунга ўхшаш картушларни қидира бошлади. Топди. Ҳаммаси бир-бирига тўғри келади, аммо уларда биринчи иероглифда гардиш

³⁴ Наполеон в Египте. М., 2012. С-52

³⁵ <http://www.egypttravel.su>

ўрнига одам шакли тасвирланган, гардиш унинг бошида. Бунинг қуёш худосини ифодаловчи белги эканлигини ҳар бир мисршунсс билади. Бироқ ёзувнинг бир вариантыда иероглиф тўлиқ ва иккинчисида қисқартириб ёзилган (гардиш). Қуёш худосининг исми Ра эканлигини Шамполон қадимий манбалардан аллақачонлар билиб олган. Демак Ра... Охирги икки иероглиф Птолемей ва Александр исмларида учраган «м» ва «с». Демак, картуш ичидаги ёзув «Рмсс» деб ўқилади. Мисрликларнинг унли товушларни тушириб қолдиришини ҳисобга олиб, олим бу ёзувни «Рамсес» деб ўқиди.³⁶ Шамполон бу улугъ фиръавн тўғрисида «Миср фиръавнлар даврида» деган машҳур асарида ёзган эди. Шамполон яна бир картушни қўлига олди. Бунда ҳаммаси бўлиб учта иероглиф. Кейинги иккита иероглиф унга маълум: «м» ва «с». Биринчи иероглиф—махсус тагликда турган ибис қуши (лайлакка ўхшаш қуш) олимни бир оз ўйлантириб қўйди. Ибис — ой худосининг тимсоли бўлган. Худонинг исми эса — Тот. Демак, «Ттмс» деб ёзилган экан. Тушириб қолдирилган унлиларни ҳисобга олганда бу сўз «Тот-мес» ёки «Тутмес» деб ўқилади. Бу қудратли фиръавннинг номи ҳам олимга илгаридан маълум.³⁷

Фиръавнларни қўя турайлик. Ниҳоят, иероглифлар жумбоғи ечилганига Шамполоннинг имони комил! Олим олинган натижаларни қайта текширишга яна ярим кун сарфлади. Ҳаммаси тўғри. У қоғозларни олиб ўзининг биринчи дўсти — акаси ҳузурига чопди. Акаси шу атрофдаги бир кутубхонада ишлаб ўтирган эди. Шамполон кутубхонага кириши билан:

— Жумбоқни ечдим!— деб бақирдию ҳушидан кетди; бу ойлар ва йиллар давомида бетиним ишлаш, зўриқиш ва кейинг кунлардаги

³⁶ <http://www.history.ru>

³⁷ В.Драчук. Ёзувлар – утмиш сирлари шоҳиди Т.: 1976. В-85

каттиқ ҳаяжон эди.³⁸ Шамполон Мисрда бир ярим йил яшаб, шу вақт ичида жуда кўп иш қилди. У ўз таъбирлари тўғрилигини исботлаш билан бирга, Миср маданияти тўғрисида кўп материал тўплади. Олим бундай деб ёзган: «Миср қадам-бақадам кезиб чиқилди, мозийнинг зеб-зийнатларидан нимаики сақланиб қолган бўлса, ўшанинг олдида тўхталиб ўтдим, ҳар бир ёдгорликни махсус ўрганиб чиқдим; номи қадимий адабий ривоятлар билан боғлиқ халқнинг тарихини ойдинлаштириб берадиган барча нақшларни суратга олишни, ҳамма ёзувлардан нусха кўчиришни ҳамроҳларимдан илтимос қилдим. Тўплаётган материалларим кутганимдан ҳам ажойиброқ бўлиб чиқ-ди. Портфелларимда бебаҳо дурдоналар сақланмоқда, саёҳатим меваси бўлган расмлар чоп этилгандан кейингина Мисрнинг тарихи, бу ўлка динининг ва санъатининг тарихи одамларга маълум бўлади ва тўғри баҳола-нади, деб айтишга ўзимни ҳақли деб ҳисоблайман».³⁹

Бироқ Ж.Шамполон тўпланган материалларини (жами 20 том) ишлаб чиқишга улгурмади. Доимий муҳтожликда яшаш, зўр бериб, каттиқ ишлаш олимнинг силласини қуритди... У бошлаган ишни шогирдлари, издошлари давом эттирдилар. Шамполон қўйиб кетган тамал тоши устида янги фан — мисршунослик фани қад кўтарди.

Кейинроқ бориб қадимги миср ёзуви системаси бутун тафсилотлари билан ишлаб чиқилди, шу пайтгача «сир»лигича қолиб келган ёдгорлик ва мақбаралардаги ёзувлар, папируслар тилга кирди.

У топган «калит» туфайли ибодатхона ва ҳайкаллардаги ёзувлар ҳам, сарғайиб кетган папирус ўрамлари, асрлар ғубори остида қолган мўмиёлар ҳам гўё тилга кирди ва биз Қадимги Миср ҳаётининг ич-ичига назар ташлаш, Мисрнинг адабиёти билан танишиш, қадимги

³⁸ <http://www.history.ru>

³⁹ <http://www.livelib.ru>

шеъриятнинг кишини ўзига ром этувчи сеҳрини ҳис этиш имкониятига эга бўлдик.

Миср адабий асарларининг бош қаҳрамонлари яхши ва ёмон, ҳар нарсага қодир худолардир, кўпинча қуёш худоси, ёруғ кун, эзгулик ва адолат тангриси Ра дир...

Ра кемаси осмон гумбази бўйлаб ўзининг кундузги йўлини сузиб ўтгач, ҳар куни кечқурун ғарбдаги тоғлар олдига етиб боради, ер ости салтанатига кириладиган жой шу ерда. Тоғ павианлари тилла юзли худо Ра шарафига қўшиқ айтадилар:

“Павианлар зотини
Яратганни куйлаймиз,
Унга ўйин тушамиз,
Уни мактаб тўймаймиз”.

Ра асъаса-ю дабдаба билан кун қайиғидан тун қайиғига ўтади. Ўн икки дарвозали узун ва тор водийдан оқиб ўтган ер ости Нили бўйлаб дўзах томон суза бошлайди. Дарвозаларни оғзидан ўт сочувчи илонлар қў-риқлайди. Ра кемаси ҳар дарвозадан туннинг маълум бир соатида ўтади, у ер ости Нили бўйлаб сузиб борар экан, ўлганларнинг руҳлари ўз макбараларидан чиқиб қуёшни қаршилайдилар, унинг ёғдусидан баҳраманд бўладилар:

Шараф бўлсин сенга, Ра!..
Дуат аҳли қилар сенга эътиқод,
Жаҳаннамдан сажда қиларлар бот-бот .
Таҳсин ўқиб бор бўл дея сени жаҳон бахтига...
Мана бу мисралар қуёшга бағишланган мадҳиядан:
Сен — ўлкалар, халқлар учун битмас ҳаёт манбаи,
Буюк Нилни осмонларга жо қилдинг ўзинг.
Пайкаллар ҳам озиқланар шуълаларингдан,
Чиқсанг—чиқиб ниҳоллар ҳам шарафлар юзинг.

Йилнинг ҳар фаслига таотиб бердинг сен

Ўзинг бунёд этган жонларни ўйлаб.

Қишни — улар бўлмоғи учун бардам,

ЁЗНИ— қудратингни кўрсатмоқ чун ҳам.

Кўк гумбаз яратдинг — ярқираб бутун

Ердаги ишларинг кузатмоқ учун.

Танҳосан ўзинг!

Мисрликлар китобни ниҳоят даражада улуғлаганлар, ҳатто муқаддас нарса деб билганлар. Уни «инсон, руҳининг малҳами» деб таърифлаганлар. Одатда китобхоналар ибодатхоналарга қарашли бўлган, у ерга фақат тагли-тахтли одамлар, аслзодалар кира олган. Бу китобларнинг аксарияти диний мазмунда бўлган, худоларга мадҳия, ҳамду санолар ҳамда турли-туман кароматлар, башоратли сўзлар, сеҳр-афсунлар, илтижолар, диний китоблар бўлганлиги турган гап. Лекин астрономия, тиббиёт, мунажжимликка оид китоблар, хизматга доир ҳужжатлар, “сўз санъатига” оид асарлар ҳам бўлган. Қадимги мисрликлар ҳазил-мутуйибани яхши кўришган. Ҳатто математикадек жиддий фанда ҳам геометрик прогрессияга оид масала мана бу тарзда берилган: «Етти уйда еттитадан мушук бўлган, ҳар бир мушук еттита сичқон тутиб еган, ҳар бир сичқон еттита бошоқча еган, ҳар бир бошоқчада еттитадан дон бўлган. Ҳаммасини қўшганда қанча бўлишини ҳисоблаб топинг».

Мисрликларнинг лирик асарлари туйғуларнинг теранлиги, оташинлиги ва гўзаллиги билан кишини ўзига мафтун этади:

Сенинг муаттар ҳидинг — малҳаминг хуш бўйидир.

Баданинг ўхшар, дейман, нозик мева гулига.

Ўхшатаман умрингни доннинг ҳаёт кучига

Тонгги қуёшдир чехранг,

Қувонч тўла нигоҳинг...⁴⁰

Инсоний доноликни ўзида тўплаган Миср китоблари қадимги дунё маданиятига катта таъсир кўрсатган. Улар биз учун ҳам чинакам илм хазинасидир.

Қадимги Миср адабиёти бундан 5-7 минг йил илгари вужудга келган. Ўрта подшолик даврида адабиёт жуда юксалган. Қадимги Мисрликлар жуда кўп қўшиқ, эртак, миф, мақол ва маталлар яратганлар. Қўшиқ оддий ва содда бўлиб, уларда деҳқон, чўпон, савдогар, ҳаммол, амалдор, рухонийлар ва подшоларнинг турмуш тарзлари акс эттирилган. Қадимги Мисрликларнинг «Икки оға - ини ҳақида эртак», «Тўғри ва эгри ҳақидаги эртак» лари киши диққатини ўзига тортади, «Изида ва Осирис ҳақида», «Гот билан Сет жанжали» деган мифлар ҳам машҳурдир. Мазкур мифларда яхшилик билан ёмонлик, эзгулик билан маккорлик ўртасидаги кураш баён

етилади. Қадимги Мисрликлар «Ҳалокатга учраган кема ҳақида ҳикоя», «Синухет ҳикояси» каби ажойиб эртаклар яратилган. Бу эртаклар саёҳатнома тарзида ёзилган бўлиб, уларнинг бирида «Подшо конлари» да қилинган машаққатли саёҳат ҳақида сўз юритилади. Ҳикоя қилинишича, сайёҳлар дахшатли довулга учрайдилар. Довул уларни «Рух ороли» га улоқтириб ташлайди. Оролда катта бир илон қиёфасидаги олижаноб подшо бор экан. Илон - подшо уларни яхши қабул қилиб, кўп олтин, кумуш, хушбўй нарсалар, фил тишлари, ит ва маймунлар бериб меҳмонларни Мисрга кузатиб юборади. «Синухет ҳикояси»да Синухетнинг Суриядаги кўрган-билганлари оғир машаққатли кечинмалари ғоят гўзал иборалар билан тараннум этилади. Айни пайтда Мисрлик адиблар диний поезия, подшо шаънига бағишланган гимнлар ва насихатлар яратганлар. Шундай қилиб, қадимги Миср адабиёти ўша даврда ууксак бадий камолотга эришган.⁴¹

⁴⁰ <http://www.livelib.ru>

⁴¹ Лев Любимов. Искусство Древнего Мира. М.: 1980. С-57

II БОБ. ҚАДИМГИ МИСРДА САНЪАТНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ.

2.1. Қадимги Миср тасвирий, меъморчилик ва амалий безак санъати.

Қадимги Миср санъати тарихий давлатларнинг юзага келиши, ривожланиши ва инқирозидан тортиб то Македониялик Искандар (Александр Македонский)нинг юриши билан унинг эллинистик дунёга қўшилиб кетишигача бўлган даврни ўз ичига олади, ўрганади, таҳлил этади. Қадимги Миср узок йўлни босиб ўтди. Деярли 4000 йилдан ортиқ вақтни ўз ичига олган бу давр мобайнида тасвирий ва амалий санъат, меъморчиликнинг нодир дурдоналари юзага келдики, улар бугунги кунда ҳам ўзининг улуг'ворлиги ва юксак бадийлиги билан кишиларни ҳаяжонлантиради. Қадимги Миср санъати ўзининг бутун тараққиёти мобайнида дин ва унинг турли маросимлари билан узвий боғлиқ ҳолда ривож топди. Меъморчилик эса санъатлар ичида етакчи ўринни эгаллаб, уларнинг характер ва услубига ўз таъсирини о'тказди.

Қадимги Миср санъатининг вужудга келиши ибтидоий замонларга бориб тақалади.⁴² Қадимги Мисрликлар бу соҳада катта ютуқларга эришганлар. Санъат меъморчилик билан узвий боғланган бўлиб, унга халқ оғзаки ижодиёти, ёзма манбалар адабиёт, мусиқа, рақс, ҳайкалтарошлик, рассомчилик ва моддий маданиятнинг кўп сохалари кирган.⁴³

Миср ҳайкалтарошлари фиръавн, малика, рухоний, мирзолар оддий кишиларнинг ҳайкаллари тошдан ўйиб ишлаганлар. Бу жиҳатдан амалдор Рахотеп, Мирзо подшога таниш Нофрет, фиръавн Аменемхет, Тутанхамон, шунингдек, Рамзес Пларннинг ҳайкаллари айниқса диққатга сазовордир. Сарой, ибодатхона ва бошқа маъмурий биноларнинг

⁴² Лев Любимов. Искусство Древнего Мира. М., 1980. С-58

⁴³ Х.А.Салохудинов. Фиръавнлар мамлакати Т.: 1992. Б-45

деворларга ва тобутлар қопқоғи устига ўйиб, бўёқ билан чизилган ажойиб расмлар ҳам киши диққатини ўзига тортади. Мисрда меъморчилик ҳам жуда тараққий этган эди. Араб қирларида ҳар хил тошлар кўп бўлган. Шунинг учун подшога қарашли саройлар, ибодатхоналар ва қатор маъмурий бинолар тошдан бунёд этилган. Бу жиҳатдан Миср фиръавнлари ва амалдорларининг мақбаралари пирамидалари диққатга сазовордир. Саккарадаги Жосер мақбараси пирамидаси улар орасида энг қадимги бўлиб, зинасимон шаклда қурилган. Қадимги подшолик даврига мансуб Гизадаги улкан сфинкс Хафра ҳам ажойиб бўлиб, у шер сурати тарзида ишланган. Шу Гизада фиръавн Хеопс мақбараси - пирамидаси ўзининг улуғворлиги билан ажралиб туради. У 52900 кв. метр жойни эгаллаган бўлиб, баландлиги 150 метр бўлган. Унга оғирлиги 2 тоннадан 1.5 тоннагача бўлган икки миллион уч юз минг тарошланган тош ишлатилиб, 30 йил ичида қурилган. Шундай қилиб, Миср меъморчилиги ўзига хос бўлиб, фиръавнларнинг пирамида - эҳомлари ўзининг маҳорати жозибаси ва катталиги билан кишини ҳайратга солади.

Еҳром обелист, устун, ҳаука¹, саройлар, релбеф, монументал рассомлик билан безатилган.

Ҳайкалларда симметрияга алоҳида эътибор берилган, рельефларда тасвир аниқлиги, композиторларнинг ритмик тартиблилиги кўзга ташланади. (Масалан: Пирамида). Деворий расмларни рангдорроқ қилишига, иккинчи даражали кўринишларни жонли ишлашга, ўсимлик, ҳайвон, қушларни жозибадор кўрсатишга ҳайкалларда моделнинг характерини ёшини ва шаклларини ифодалашга аҳамият берилди. Масалан: шифер, ганч, биллур, идишлар, фил суяги ва ёғочдан қилинган қошиқчалар, тилло балдоқ, узук, мунчоқчалар, қимматбаҳо тошлар қадаб ўйиб ҳошияланган қутичалар, бадийий мебел ва бошқалар қадимги Мисрда амалий безак саънати юксак даражада бўлганини кўрсатади.

Нил дарёси водийсидаги бадий маданият ёдгорликлари қадимдан маълум. Мил. ав. 5—4-минг йилликларда лой ва қамишдан қурилган турар жойлар ўрнига аста-секин ёғоч ва хом ғишт-дан тўғри тўртбурчак тарҳли турар жойлар қурилган. Илк подшолик даврида қадимги Миср санъати тамойиллари, турлари ва жанрлари шаклланган. Бу даврда диний меъморликнинг асосий тури — *мастабалар* тўғри тўртбурчак тарҳда қўплаб қурилган. Ҳайкалтарошликда геометрик уйғунлик, симметрия ва ста-тистикага эътибор берилган (фиръавн Хасахем ҳайкали, мил. ав. 3-минг йиллик бошлари).⁴⁴ Миср меъморчилиги ҳақида сўз кетганда албатта маҳобатли пирамидалар тўғрисида айтиб ўтмасликнинг иложи йўқ, шундай экан ушбу улкан иншоотлар қандай қурилган деган савол туғилиши табиий. Қуйида шу ҳақидаги фикрларга, илмий қарашларга тўхталиб ўтамиз.

Пирамиданинг қурилиши. Хозирги замон мисршуносларининг хисоблашича, пирамидалар қуришдан олдин мисрликлар дастлаб ўлик ерларда зовурлар қазиб, текис ва яхлит пойдевор қилишга эришганлар. Бунинг учун зовурни сув билан тўлдириб, унга қозиклар қадаганлар ва сувнинг юзасини белгилаганлар. Сўнг атрофни текислаб, зовурни тоғ тошлари билан тўлдирганлар ва қозиклардаги белгилар билан бараварлаштирганлар. Натижада бўлажак пирамиданинг текис ва яхлит пойдевори вужудга келган. Бу вақтда тош ётқизувчи мутахассис пирамида учун ишлатиладиган тошларни бир неча йил мобайнида текислаб пардозлаган. Блоклар фақат уч ойга етадиган қилиб тайёрланган, чунки ҳар йили бўладиган сув тошқини натижасида уч ой давомида ишсиз қолган деҳқонлар ана шу пирамида қурилишига жалб этилганлар. Биринчи қатор тошлар ўрнатилгач, унинг атрофига шағал ётқизилиб, бир томонга нишаб тортилган. Кейин блокларни тортиш йўли билан нишабга олиб чиқилган ва биринчи қатор устига қўйилган. Ана шу йўсинда пирамида секин-аста

⁴⁴ <http://www.livelib.ru>

қаторма- қатор юқорига кўтарилган сари унинг атрофидаги шағалдан қилинган нишаб ҳам спирал шаклида кўтарилиб борган.⁴⁵

Пирамида чўққисига охириги тош қўйилганда, у қум аралаш шағалга бурканган массани эслатган. Худди шу вақтда мохир ва тажрибали тош терувчилар пирамиданинг сиртини силлиқ блоклар билан юқоридан пастга қараб пардозлай бошлаганлар.⁴⁶

Ишчилар эса бир вақтнинг ўзида пардозлаш ишларини юқоридан пастга тушишига қараб қум ва шағалларни четга торта бошлаганлар. Ташқаридаги ишлар тамом бўлгунга қадар пирамиданинг ичкарисига ички йўллар ва дафн қилиш хонаси қурилган. Дафн этиш маросими тугагач, уни барчадан сир тутиш мақсадида хонага олиб борувчи барча эшикларни илгаритдан тайёрлаб қўйилган улкан блок тошлар билан беркитиб, мухрлаб қўйганлар. Гизадаги улкан эҳром яқинида сирли Сфинкс бор. У кимтомонидан ва нима учун яратилганлиги ханузгача номаълум. Аммо тушуниш мумкинки, ярим одам ва ярим шер сифатида яратилган бу хукмдор ўрнида Миср фиръавни Хефрен ўз аксини кўрган бўлса ажаб эмас.

Қадимги подшолик даврида бадий усуллар такомиллашган, янги меъморий типлар пайдо бўлган. Меъмор Имхотеп эҳромнинг меъморий типини яратади. У фиръавн Жосер учун Саккарада марҳумлар руҳига бағишлаб маросимлар ўтказиладиган мажмуа бунёд этади, унинг марказида поғонали мақбара — эҳром (бал. 60 м., асоси 109,2x121 м) қурган. Кейинчалик Қадимги подшолик меъморлари фақат эҳром шаклларином такомиллаштирганлар. Гизада меъмор Хемнун фиръавн Хеопс учун қурган эҳром (бал. 146,59 м, асоси 233x233 м), шунингдек, фиръавнлар Хефрен (бал. 143,3 м, асоси 215,25x215,25 м), Микерин (бал. 62 м, асоси 108,4x108.4 м) эҳромлари (барчаси Гизада) шундай иншоотлар қаторига киради.⁴⁷ Қадимги подшолик даврида ибодатхоналарнинг янги типи пайдо бўлган,

⁴⁵ Х.А.Кинк. Как строились египетские пирамиды. М.: 1967. С-15

⁴⁶ Қ.Гадоев, С.Бердиева Сайёрамиз муъжизалари Т.: 2012 Б-82

⁴⁷ Египет на заре цивилизации. Загадка древнего народа (энциклопедия). М., 2012. С-56

улар одатда Мисрнинг бош маъбуди — Куёш маъбуди Рага бағишланган. Тўғри тўртбур-чак тарҳли бундай ибодатхонани, одатда, очик ҳовлиси бўлиб, унинг чеккаларида саждагохлар ва учига олтин қопланган обелиск жойлашган. Мақбара ва ибодатхоналар деворий расмлар, релеф ва ҳайкаллар билан безатилган. Бу даврда ҳайкал портретлар санъати тараққий этди. Мисрликлар тасаввурича ҳайкал портретлар марҳумларнинг қиёфadoши ролини ўтаб. марҳумларнинг руҳлари жойлашган жой вазифасини ўташган. Сенусерт III ва Аменемхет III портретлари ва ҳайкаллари(мил. ав. 19-а.).⁴⁸

Гиксослар истилоси (мил.ав. 1700— тахм. 1580 й.лар)дан кейин Қад. Миср санъати тушкунлик даврини бошидан кечириб, Янги подшолик даврида қайта раванқ топди. Осиёга қилинган зафарли юришлар, Миср бойлигини орттирди, биноларда хашам кўпайди. Расмлар ва деворий расмларда зиёфатлар, тантаналар, ов манзаралари акс этирилди, манзара жанрига алоҳида эътибор берилди (Рехмир, Нахт, Жоссеркарасснеб мақбараларидаги деворий расмлар, мил. ав. 15-а. охири). Янги подшолик даври меъморлигида очик типдаги ибодатхона — саждагохлар кенг тарқалган. Бу ибодатхона деворларига фиръавнларнинг ғалабалари акс этган деворий расмлар ишланган (Амон-Ра маъбуднинг Карнакдаги, мил. ав. 16—12-асрлар ва Луксордаги ибодатхонаси, мил. ав. 15—13-асрлар). Фиръавн эхнатон ҳукмронлиги даврида эски маъбудларга сиғиниш бекор қилинган, янги маъбуд — Атонга сиғиниш жорий қилинган. Янги пойтахт — Ахетатон қурилган. Ҳайкалтарош Тутмес яратган фиръавн ва унинг хотини *Нефертити* портретлари Қадимги Миср санъатининг но-дир намуналари сифатида ҳозиргача етиб келган. Мил.ав. 14-асрнинг 1-ярмидатасвирий санъатда қуруқ декоративлик кўпроқ кўзга ташланди (фиръавн Тутанхамон мақбарасидан топилган олтин ниқоб ва б.). Мил. ав. 14-асрнинг 2-ярмидан ибодатхоналар қурилиши кенгайган бу даврда биноларнинг дабдабали ва

⁴⁸ Х.А.Кинк. Как строились египетские пирамиды. М.: 1967. С-19

махобатли бўлишига эътибор қаратилди (Карнакдаги 134 колоннали, девор ва колонналарига рангдор рельефлар ишланган ибодатхона). Қоя ибодатхоналари ҳам кўплаб қурилган (Абу Симбалдаги Рамсес II нинг катта ибодатхонаси).

Қадимги Мисрда амалий-безак санъати юксак даражада тараққий этганлигига бизгача сақланиб қолган шифер, ганч, биллурдан ишланган идишлар, фил суяги ва ёғочдан ясалган қошиқчалар, тилла балдоқ, узук, мунчоқлардан ҳам маълум.

Эрамиздан аввалги XXVII асрларда Миср тарихида энг гигант пирамидалар қурилди. Пирамидалар ансамбли ичида энг каттаси Хеопс пирамидасидир. Бalandлиги 146,6 метр, асоси эса 233 м. Тарихчи Геродотнинг таърифига ко`ра, Хеопс пирамидаси 20 йил мобайнида қурилган. Пирамидага тошлар олиб келиш учун керак бўлган йўлни қуриш учун эса 10 йил кетган.⁴⁹

Фивадаги Карнак ва Луксор ибодатхоналари гигант меъморчилик мажмуаларидандир. Карнак (ер.ав.XVI аср, меъмор Инени) ва Луксор ибодатхоналари (ер.ав. XV аср, меъмор кичик Иминхотеп) меморлар биринчи бор очик ҳовли атрофини колонадали ечиб, янги подшолик меъморчилигининг о`зига хос томонларини шаклланишига асос солдилар.Бу мажмуаларда Қадимги Миср меъморлик анъаналарининг муҳим томонлари ўз ифодасини топди. Шу билан бирга, тантанали ва ҳашаматли бо`либ бораётган маросимлар билан алоқадор бо`лган меъморчиликнинг янги ко`ринишлари намоён бўлди.⁵⁰

Тасвирий санъат. Қадимги Миср тасвирий санъати меъморчилик билан бог`лиқ ҳолда ривож топди. Ижтимоий ҳаётнинг мураккаблашиб бориши ва синфий жамиятнинг юзага келиши билан у бошқарувчи синфнинг кучли

⁴⁹ Ж.Ф.Лауер. Загадки Египетских Пирамид. М.: 1966. С-49

⁵⁰ <http://www.history.ru>

идеологик

куролига

айланди.

Династиягача бо`лган даврдан бизгача кўпгина

хайкалтарошлик, рассомлик ва амалий санъат намуналари йетиб келган.

Шулар ичида турли диний-магик маросимлар ўтказишда бўёқлар қориштириш учун фойдаланилган ясси, юпка, кулранг, яшил, қора тош-шифер плиталар алоҳида о`рин эгаллайди.

Рассомликда янги мавзулар ҳам кенг о`ринни эгаллай бошлади. Рассомлар ҳар бир образ ҳатти-ҳаракатини табиий ва го`зал бо`лишига эътибор бера бошладилар. Майда пластинада жанрли композитсиялар яратиш, одамларни ҳаракатда ко`рсатиш ҳоллари, оддий кишилар меҳнатини тасвирлаш бу даврда кенг ривожланди.

Қадимги Миср реалистик санъатининг энг гуллаган даври янги подшоликка то`ғ`ри келди. Рассом ва ҳайкалтарошлар зодагонлар ҳаётига бағишланган сержило деворий суратлар, нафис релеф ва ҳайкалтарошлик асарлари яратдилар. Улар асрлар мобайнида сақланиб келаётган канонлардан четга чиқиб ҳаётий композитсиялар яратдилар, эмотсионал томонларига эътибор қаратдилар.

Ҳайкалтарошлик. Ҳайкалтарошлик санъати Мисрда қадимги подшолик давридаёқ юксак даражада бўлган.

Қимматбаҳо диорит тошидан ясалган ва ҳозирги кунда Қохира музейида сақланаётган Хефреннинг бош хайкали дунёдаги энг нодир асарларидан биридир. Бу хайкал асарда фиръавннинг боши билан елкаси тасвирланган. Унинг ясама сочи, орқасидаги хомийси худо лочин Хорюснинг қанотлари орасига яширинган. Портретда бирорта кераксиз эгри, ортиқча чизикларни топишқийин. У юксак даражада маҳорат билан ишланган. Бу дарҳақиқат, қудратли сиймо. Савлатли елкалар ҳақиқатан ҳам шохларга хос буюкликни сездириб туради. У ҳам шох, ҳам худо ҳисобланган. Қадимги подшолик давридаги хайкалларнинг кўпчилиги шунга ўхшаш сифатга эга бўлган.

Кейинги сулолалар даврида санъат кўпроқ ватанпарварлик йўналишида бўлгани билан у ҳечқачон қадимги подшолик давридаги сингари таъсирчанлик даражасига кўтарилган эмас. Бу ажойиб ҳайкалларни инсон ўз кўзи билан кўриш шарафига эга бўлмаганлиги бизга ғалати туюлади. Шубҳасиз бунинг сабаби бор. Жахон музейларига қўйилган бу ноёб асарларнинг кўпчилиги, яъни ҳайкал «Ка» дастлаб мастабаларнинг ерости хоналарига яширинган. Одатда мисрликлар ўлган кишининг рухи, яъни Ка озиқ-овқатлар, совғалар олишига, хатто хушбўй нарсалар — Фимиаманинг хидларини сезиши мумкинлигига ишонганлар. Шунинг учун ҳам фиръавннинг жасади қўйилган хонада унинг сиймосини тасвирловчи ҳайкал ўрнатилган. Ҳайкалнинг ичида эса унинг рухи Ка яшаган. Ҳайкалнинг қарама-қарши томонидаги деворда тешик бўлиб, рух ана шу тешикдан озиқ-овқатлар олиб турган. Аслида эса овқатларни рухлар номидан кашишлар олганлар ва уларни овқатлантириб турганлар. Шу боисдан, инсон кўли билан яратилган ҳайкаллар инсон кўзидан ғойиб бўлган.

Амалий декоратив санъати борасида ҳам мисрликлар ажойиб намуналар яратиб қолдирдилар. Ганч ва тошлардан ясалган ажойиб ко`залар, инкрустатсия услубида олтин ва қимматбаҳо тошлардан ишланган безак буюмлар, нодир дарахт ёғ`очидан ясалиб, олтин ва фил суяги билан безатилган мебеллар Қадимги подшолик давридаёқ юксакликка эришди, О`рта ва янги подшолик даврида эса у янада нафисланиб борди. "Оқиб бораётган қиз" деб ном олган пардоз қошиқчаси шу о`ринда диққатга сазовордир.⁵¹

Эрамизнинг 1000-йилларидан бошлаб Миср ерларининг парчаланиши санъат тараққиётини бир мунча сусайтирди. Миср ижтимоий ҳаётидаги жонланиш эрамиздан аввалги VII асрларда бошланди. Лекин бу узоққа чо`зилмади. Эрамиздан аввалги VI асрларда эронликлар, сўнгра эр.ав. IV

⁵¹ Х.А.Кинк. Как строились египетские пирамиды. М.: 1967. С-40

асрда Александр Македонский томонидан Миср ерларининг босиб олиниши унинг ўзига хос санъатида аста-секин сўниш ва эллин дунёси санъати билан қўшилиб кетишига сабаб бўлди.

Жосер эҳроми (пирамидаси) нинг қурилиши катта тошлардан укан бинолар ихтиро қилган ва ёзув санъатида юксак ютуқларга эришган меъмор Имхотеп номи билан боғлиқ. Жосер қабри Қоҳирадан тахминан 6 км. нарида жойлашган. Тошдан ишланган бу улкан мақбара дунёдаги энг қадимги ёдгорликдир. Унинг қурилиш вақти эрамиздан аввалги 2780 йилга тўғри келади.⁵²

Бу иншоот бир қатор зинапоялардан ташкил топган эҳром бўлиб, устма-уст қўйилган ва юқорига кўтарилган сари кичрайиб борувчи бир қанча мастабалар йиғиндисидан иборат. Пирамиданинг асоси квадрат бўлиб, у қоянинг 25 м ичкарасига жойлашган. Яна пастрокда эса фиръавннинг дафн қилиш хонаси бўлган. Пирамида ва унинг атрофи оҳак тошлардан терилган баланд девор билан ўраб олинган.⁵³

Ана шу деворнинг айрим қисмлари ҳозиргача сақланган ёки улар қайта тикланган. Ички деворнинг қарама - қарши томонидан қатор ёдгорликлар қад кўтарган. Эҳтимол, улар бир ҳил ҳудоларга бағишланган ибодатхоналар бўлса керак. Имхотепнинг қиёфаси бинонинг ичкарасида ҳайкал кўринишида пайдо бўлади. Бу билан мисрликлар вазирнинг обрўси ва қудрати нақадар юксак эканлигини кўрсатганлар. 3-сулола унинг охирги фиръавни Снофруннинг вафоти билан тамом бўлган. У тириклик вақтида ўзи учун томонлари текис бўлган иккита улкан пирамида қурдирган. 4-сулолага келиб пирамидалар қуриш катта даври бошланган.

Мисрда 70 дан ортиқ пирамида бор. Улар Саккараҳ ва Дашурдан то

⁵² Ж.Ф.Лауер. Загадки Египетских Пирамид. М.: 1966. С-103

⁵³ Х.А.Кинк. Как строились египетские пирамиды. М.: 1967. С-88

ғарбдаги Ҳауварагача чизилган. Ҳарбир пирамида фақат фиръавннинг қабридан иборат бўлган. Жосер подшолик қилган даврдан сўнг маликалар ҳам ўзларининг шахсий пирамидаларига эга бўла бошлаганлар. Асосий пирамидаларнинг атрофида эса олий жаноб ва юқори мансабли кишилар учун мастабалар жойлашган.

Мисрдаги машҳур пирамида 4-сулоланинг биринчи фиръавни Ҳуфу томонидан қурилган. Уни юнонликлар Ҳеопс деб атаганлар. Бу пирамида Қоҳира яқинида Нилнинг ғарб томонидаги тошлоқ ерда қад кўтариб туради. Ундан унча узок бўлмаган масофада Ҳеопс мақбаралари Ҳафр ва Микериносларнинг пирамидалари жойлашган. Ана шу учала пирамида биргаликда таъсирчан архитектура уйғунлигини вужудга келтиради.

Ҳеопснинг улкан пирамидаси ягона сақланган пирамида бўлиб, юнонликлар уни етти иқлим мўжизаси деб атаганлар. Дарҳақиқат, у яхлит ва етарли даражада мустаҳкам иншоот бўлиб, 2. 300. 000 та оҳактош блокларидан ишланган. Жумладан ҳар бир блок ўрта ҳисобда 2,5 тонна оғирликда бўлган. Пирамиданинг ичида бир нечта бир-бири билан чалкаш йўллар бор бўлиб, улардан бири шоҳнинг жасади қўйилган ҳонага олиб боради лекин бу ердаги жасад ўша Жосернинг гўрҳонасидан фарқ қилгани ҳолда, пирамиданинг ўртасида жойлашган. Хона гранит блоklar билан қопланган. Ҳар бири тахминан 60 тонна келадиган блоklar 900 км масофадан Ассуандан келтирилган. Саркофаг ҳамда тош тобутнинг сиртқи томони мустаҳкам гранитдан ишланган.⁵⁴

Эрамиздан 4500 йил аввал қад кўтарган бубино бизни ҳануз таажублантиради, чунки мисрликларбу даврда ғилдирак билан ҳали таниш эмас эдилар. Қурилишда улар ихтиёрида фақат цилиндрсимон жисмлардан дастаг бор эди ҳолос. Пирамида ўлчовларининг жуда катта бўлишига қарамасдан асоснинг ҳарбир томони 137 м, баландлиги 147 м, унинг йўналиши абсолют аниқлик билан бажарилган. Бугунги кунда Ҳеопс

⁵⁴ Ж.Ф.Лауер. Загадки Египетских Пирамид. М.: 1966. С-161

пирамидасининг ташқи қиёфаси зинапояли шотини эслатсада, аслида чиройли оппоқ тошлардан қопланган бўлиб, яхлит ва силлиқ юзадан иборат бўлган.

Ўрта подшолик даврида Миср санъатида бир қатор янги хусусиятлар пайдо бўлган. Фиръавнларнинг мақбаралари ўз маҳобатини йўқотган, улар кўпинча қоя тошларга ўйиб ишланган, ирригатсия иншоотлари (каналлар, тўғонлар, дамбалар, Файюм теварагидаги сув омборлари) қурилган, шаҳарларнинг роли ошган. Шаҳар қисмлари табақавий бўлиниш асосида қурилиб, улар девор билан ажратилган. Ўрта подшолик тасвирий санъатида реалистик тенденциялар кучайган. Номархларнинг мақбараларидаги деворий расмлардаги маиший кўринишлари жонли ишлашга, ўсимлик, ҳайвон, қушларни жозибадор кўрсатишга, ҳайкалларда моделнинг характерини, ёшини ва бошқаларни ифодалашга аҳамият берилди (фиръавнлар, лаъл, қимматбаҳо тошлар қадаб, ўйма нақш, тасвир ишланган кутичалар, бадийий мебел ва б. мисол бўлиши мумкин).⁵⁵

11-сулола юзага келиши билан ўрта подшолик даври бошланган. Бу давр эрамиздан аввалги 1700-йилгача давом этган. Ўз навбатида мисрликлар ҳамқўшни давлатларга юриш қила бошладилар. Биринчи бўлиб, Сурия мамлакати забт этилди. Экспансия жанубга Нубийлар ҳудудига қараб авж олди. У ердан эса олтин, фил суяги ва қуллар кўплаб келтирилди. Қимматбаҳо тош ва олтинлар кумуш маросимларини безаш учун ишлатилди. Монументал меъморчиликда эса пирамидалар қурилиши Ўрта подшолик даврида ҳам давом эттирилди. Аммо шакл жиҳатидан улар бир-бирига ўхшасаларда, масштаби жиҳатдан қадимги подшолик пирамидаларидан анча кичик ва кам дабдабали бўлган. Пирамиданинг баландлиги 65 метрдан ошмаган. Уларнинг ўлчамлари ҳаддан ташқари

⁵⁵ <http://www.history.ru>

кичик бўлсада ички бўшлиқлари анча кенг бўлиб, одатда ҳирҳона ва зиёротҳона каби қаватларга бўлинган.

Ўрта подшолик даврида катта пирамидалар қурилишига зарурият ҳамйўқ эди, чунки Мисрда ҳудди шувақтда ягона марказий ҳокимият бўлмаган. Яна катта ҳажмдаги иншоотлар қуриш ғояси янги бирлашган Мисрнинг маркази Фивада, Ментухотиб III ва Ментухотиб IV ларнинг мақбарасида жонланган.

Бу ерда эҳром пешайвонларнинг мураккаб системаси билан уйғунлаштирилган, яъни у пешайвонлар устига қўйилган. Ўзининг доридий ордерига ўхшаш устунлари билан машҳур бўлган Бени-Ҳасандаги мақбаралар жуда ҳарактерлидир. Дарҳақиқат, «протодорлик» устуни Миср меъморчилигида тектоник шакл бўлиб, уни яратувчилари бу жиҳатдан қадимги юнон меъморчилигига яқинлашганлар. Аммо, қадимги Юнонистондагидек классик ордер Мисрда яратилмади.⁵⁶

Умуман олганда, Ўрта подшолик даврида Миср меъморлиги бир неча шакллар кашф этгани билан у қадимги подшолик даврига нисбатан юқори босқичга кўтарила олмади. Бироқ, бундан кейин келадиган янги подшолик даври учун янги пойдевор яратилди дейиш мумкин.

Ўрта подшолик эрамиздан аввалги 1700 йилга келиб тамом бўлди. Бу Миср ҳудуди Осиёлик гиксослар томонидан босиб олинган вақтда юз берди. Гиксосларнинг ҳукумронлиги узоққа чўзилмади. Уларнинг салтанати 15-16 ва 17-сулолалар даврини ўз чига олди. 17-сулоладан бошлаб фиръавнлар раҳбарлиги остида душманга қарши матонатли кураши бошланди. эрамиздан аввалги XVI асрнинг биринчи ярмига келиб Миср фиръавни 18-сулола асосчиси Яҳмос гиксосларни Миср ҳудудидан буткул қувиб чиқарган ва янги подшолик даври бошланишига асос солди, бу эса Мисрда буюк империя даври деб баҳоланади.

⁵⁶ Древние цивилизации. Египет, Греция, Рим (энциклопедия). М., 2015. С-67

ЯНГИ ПОДШОЛИК ДАВРИ МЕЪМОРЧИЛИГИ. ГИКСОСЛАРГА ҚАРШИ БИРИНЧИ БЎЛИБ КУРАШ БОШЛАГАН ВА ЯНГИ ПОДШОЛИКНИНГ БУЮК БОШҚАРУВЧИЛАРИ СУЛОЛАСИГА АСОС СОЛГАН ФИВАЛИК ҲОКИМЛАР ЎЗ ПОЙТАҲТЛАРИНИ ФИВАДА ТАШКИЛ ЭТДИЛАР. 500 ЙИЛ МОБАЙНИДА БУ ШАҲАР ДУНЁНИНГ ЭНГ УЛУҒ ВА МУҚАДДАС МАРКАЗИГА АЙЛАНГАНДИ. ФИВАНИНГ ҲУДОСИ АМОНЕНДИ МУҲИМ РОЛ ЎЙНАЙ БОШЛАДИ. УНГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР БЕРИЛДИ. У ҚУЁШ ҲУДОСИ РАГА СИНГДИРИЛДИ. ТЕЗ ОРАДА УЛКАН ҚУРИЛИШЛАР БОШЛАНДИ. 18-СУЛОЛА ФИРЪАВНЛАРНИНГ ДАБДАБАЛИ САРОЙЛАРИ, ОҚСУЯКЛАРНИНГ СЕРҲАШАМ ВИЛЛАЛАРИ МИСР ҲУДОЛАРИНИНГ ҚАСРЛАРИ ҚАД КЎТАРДИ. ФИРЪАВН ЎЗ ҚАБРИНИ ПОДШОЛИК ТАҲТИГА ЎТИРГАН КУНДАН ҚУРДИРА БОШЛАГАН. У БУНГА ЙИЛЛАР, БАЪЗАН, ЭСА БУТУН УМРИНИ БАҒИШЛАГАН.

ҚИРОЛИЧА, ҲАТШЕПСУТ, 18-ВА 19-СУЛОЛАЛАР ЯНГИ ПОДШОЛИК ДАВРИДА МИСРНИ БУЮК ҲАРБИЙ ДАВЛАТГА АЙЛАНТИРГАН САЛОБАТЛИ, ЖАНГОВОР ФИРЪАВНЛАРИ БИЛАН МАШҲУРДИР.⁵⁷

Улар ўз ғалабаларини узоқ Осиёгача кенгайтирдилар. Сурия шаҳарларини босиб олдиларва катта солиқлар талаб этдилар. Дастлабки уч жангчи: Яхмос, Аменофис II, Тутмос II лар подшолик гаштини сурдилар. Сўнгги охириги фиръавн Тутмос II нинг ўғли Тутмос III касаллиги туфайли ёш вафот этди, унинг мерошури Тутмос III давлатни бошқаришга ҳали гўдаклик қиларди.

Шунинг учун ҳокимият аёл кўлига - қиролича Ҳатшепсутга ўтди. Бу аёл кучли исътедод эгаси бўлган. Умамлакатни осойишта моҳирлик билан бошқарган.

Дайр-Елъ-Баҳрадаги ажойиб қасрнинг муаллифи шам Сенмутдир. Бу оддий Дайр-Елъ-Баҳрининг шимолий қисмида, Ментухотеб ёдгорлиги билан ёнма-ён қурилган билиб, унда кўп шакллар такрорланган. Ҳатшепсут обидаси Мисрмеъморчилигининг мушим босқичларидан биридир. Бу бино меъморчилигининг Ўрта подшолик иншоатларидан асосий фарқи

⁵⁷ Древние цивилизации. Египет, Греция, Рим (энциклопедия). М., 2015. С-72

лойихалаш ва безатиш жиҳатдан икки давр обидаларини ўзаро солиштирганда ёрқин намоён бўлади. Ментухотеб ибодатхонаси каби Ҳетшепсут ибодатхонаси ҳамуч террасага жойлашган.

Аменофис III нинг 36 йиллик ҳукумронлиги даврида санъат кучсизланади ва бирмунча нозиклашади. Сарой меъморлигини ўрганишда Амарна алоҳида аҳамиятга эгадир. Бу ерда фиръавнга ва унинг оила аъзоларига тегишли бўлган учта сарой сақланган. Асосий сарой Нил қирғоғи бўйлаб қурилган. Фасаднинг узунлиги 700 метрга тенг. Кенг кўча саройни иккига: шарқий ва ғарбий қисмларга бўлиб туради. Тел-Елъ-Амарна шаҳри ҳаммаси бўлиб, чорак асрдан камроқ яшади. Миср империяси Ахнатон ҳукумронлиги остида емирила бошлади. Гарчи бу ишларнинг ҳаммаси Рамзес II нинг жонига теккан бўлса ҳам, Карнакдаги Амон худосига бағишланган гипостил ҳона улуғликда ягона эди. Ҳонанинг эни 103 м, ичи эса 52 м. дан иборат бўлиб, унинг умумий майдони 5. 000 кв. м. ни ташкил этган. Ҳона томининг ҳар бир қаторида 10 тадан 16 қатор устун, ҳаммаси бўлиб 134 та устун ушлаб туради.

Гипостил ҳонанинг марказий қисми қаторида 6 тадан 2 қатор устунлар билан алоҳида ажратилган. Бу устунларнинг диаметрлари 3, 4 метрга тенг, баландлиги эса-20, 4 метр. Ибодатхона симметрия асосида қурилган. Ибодатхона қурилишида ёруғлик катта рол ўйнаган. 19-сулола фиръавнлари вақтида ибодатхона буюк ашамият кашф этган. Миср фиръавнлари Карнакдаги Амон ибодатхонаси руҳонийларни ўзларининг таянчлари деб билиб, уларни ҳар томонлама қўллаб - қувватлаганлар.

19-сулола даврида катта қурилишлар Луксорда ҳам олиб борилди. Аменхотиб III бошлаган ибодатхона қурилиши ўз даврида битказилмай қолган эди. Рамзес III ўз даврида катта қурилишларни амалга оширди.

Меъморчиликда бир ҳиллик унинг жонига тегди. Ҳонуси ибодатҳонаси Янги подшолик даврига ҳос бўлиб, унда шувактдаги барча асосий эстетик ақидалари аниқ ва равшан кўринади. Ҳонуси ибодатҳонаси унча катта эмас, лекин унинг архитектураси янги подшолик даврида яратилган Миср ибодатҳонасининг классик типига яқиндир.

У чизик тўғри тўртбурчак шаклга эга. Барча ибодатҳоналарда бўлгани каби буерда шам бир нечта ҳоналарни ўз ичига олган сиғиниш уйи гипостил залининг композитсияли ўқиға туташган. Умуман янги подшоликдаги диний иншоотлар архитектураси уни ташқаридан томошабин бўлиб кузатишгагина эмас, балки ҳар томонлама кишига таъсир кўрсатишга мўлжаллаб қурилган.

Янги подшоликнинг сўнггида қурилиш ишлари фақат Мисрдагина эмас, балки унинг ташқарисида Мисрга тобе бўлган Нубияда ҳам олиб борилди.

Абу Симбелдаги қояға ўйиб ишланган Рамзес III ибодатҳонаси Янги подшоликнинг сўнгги давридаги энг йирик қурилишларидандир. Унинг киравериш томонига қояли катта трапетсиясимон пилон кўриниши йўниб ишланган. Пилон олдида ўтирган ҳолда тасвирланган тўртта 20 метрли Рамзес III нинг ҳайкаллари ҳам қоя тошини йўниш ҳисобига яратилган. Шарққа қаратилган пилоннинг баландлиги 33 метр, эни эса 38 метрдан иборат бўлиб, унинг тепаси ҳайкаллар билан безатилган.

Ибодатҳонанинг ички қисми янги подшолик даври меъморчилиги принциплари асосида бажарилган.

Қурилишлар асосан 22-сулола вақтида ривож топди. Сулоланинг асосчиси Шешонка Фиванинг учлик худоси Амон, Мут ва Ҳонсуларга бағишлаб Танис шаҳрида ибодатҳона тиклади. 25-сулола фиръавнлари мусофир Нубиядан билганлар. Янги подшоликнинг сўнггида Нубия Мисрдан ажралиб чиқди ва мустақиллика эришди. Лекин улуғвор иншоотлар Карнакда қурилди. 25-сулола эрамиздан аввалги 671-йилда

Мисрни Сурияликлар томонидан босиб олиниси билан тамом бўлди.⁵⁸

Мисрнинг ижтимоий ҳаётида бирмунча жонланиш пайдо бўлди, лекин буузоққа чўзилмади, чунки Мисрҳам иқтисодий ва ҳам сиёсий жиҳатдан анча кучсизланиб қолган эди. Бу эса эрамиздан аввалги IV асрда эронликлар, сўнгги эрамиздан аввалги IV асрда Искандар Мақдуний (македониялик Александр) томонидан ерларни босиб олинисига, унинг ўзига ҳос санъатда аста-секин сўнгги ва эллин дунёси санъати билан қўшилиб кетишига сабаб бўлди.

Миср еллизми. ЭРАМИЗДАН АВВАЛГИ 332-ЙИЛДА МАКЕДОНИЯЛИК ИСКАНДАР АРМИЯСИ МИСРГА КИРИБ КЕЛДИ. ЭРОН ҲУКМДОРЛИГИДАН АЗОБ ЧЕККАН МИСРЛИКЛАР ИСКАНДАР ҚЎШИНЛАРИГА ҲЕЧ ҚАНДАЙ ҚАРШИЛИК КЎРСАТМАДИЛАР. АКСИНЧА, МИСР КОҲИНЛАРИ ИСКАНДАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАДИЛАР ВА УНИ АМОННИНГ МЕҲРИБОН ФАРЗАНДИ РА ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛДИЛАР. ИСКАНДАР МИСРНИНГ НИЛ ДЕЛЪТАСИДА ЯНГИ ШАҲАР БАРПО ЭТДИ. УНИНГ НОМИ АЛЕКСАНДРИЯ ДЕБ АТАЛГАН. БУ ШАҲАР МУНТАЗАМ РЕЖАГА ЭГА БЎЛГАН. ИВ АСРНИНГ ОҲИРИДА АЛЕКСАНДРИЯ ЮНОН ШАРҚ ДУНЁСИНИНГ ЭНГ ЙИРИК САВДО ВА МАДАНИЯТ МАРКАЗЛАРИДАН БИРИГА АЙЛАНДИ.

Катта қурилиш Мисрда Искандар вафотидан сўнг унинг ворислари македонияликлар сулолаларининг шоҳлари-Птоломейлар вақтида олиб борилди. Истило этилган ерларда ўз ҳокимиятини мустаҳкамлаш мақсадида Птоломейлар Миср ҳудоларини ҳурматлаганлар ва улар шарафи учун ибодатхоналар қурдирганлар. Ибодатхоналар архитектурасида эса қадимги санъат анъаналарини қайта тиклаганлар. Миср эллинизми даври архитектурасининг энг ёрқин намунаси - бу эдфудаги Гора ибодатхонасидир. Унинг барча ҳоналари-пилон, очик ҳовли, кириш ва гипостил заллари, муқаддас ва сиғиниш ҳоналари ҳудди янги подшолик ибодатхоналаридаги каби симметрик равишда бир ўққа жойлашган.

⁵⁸ Египет на заре цивилизации. Загадка древнего народа (энциклопедия). М., 2012. С-87

эрамиздан аввалги 122-йилда Птолемей IX Гипостил зал олдида катта 18 устунли, деворлари рельефлар билан безатилган кириш зали курдирган. Ўз навбатида, унинг ворислари: Птолемей X, XI ва XII лар ибодатхона атрофини ташқи девор билан ўраб, кириш зали олдида очик ҳовли ва пилон яратганлар. Натижада очик ҳовли деворлари билан ибодатхона деворлари орасида бемалол ҳаракат қилиш мумкин бўлган йўлак вужудга келган. Бошқача қилиб айтганда Гора ибодатхонаси гўё атрофи девор билан ўралган очик ҳовли ичида шакллангандек туюлади. Шубҳасиз, бундай эркин ва аниқ композитсион ечим Миср эллинизмининг ўзига ҳос хусусиятларидан биридир. Дарҳақиқат ҳовлининг олдидаги пилон жуда салмоқлидир. Унинг баландлиги 35 метр, эни эса 76 метрга тенг. Маълумки, янги подшолик вақтиданок пилонларнинг сиртларини рельефли композитсиялар билан тўлдириш одат эди. эллинизм даврида бу рельефлар янада каттароқ маъно кашф этади. эллинизмдаги барча рельефлар ўзларининг ана шу хусусиятлари билан ажралиб туради. эдфудаги Гора ибодатхонаси композитсияларидаги мавжуд бўлган бу нафислик бизни завқлантиради. эдфудаги Гора ибодатхонасининг Миср эллинизмида машҳурлиги бежиз эмас, албатта. У кўпроқ тўсиқ деворнинг ички сиртига битилган муҳим ёзуви билан танилган.

Миср эллинизми санъатда ҳақиқатан ҳам эски шаклларни янгича талқин эта олган моҳир архитекторлари билан ҳарактерланади. Буни Дендердаги Гатор ибодатхонаси мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Ибодатхонанинг деворларига ўйилган ёзувларга қараганда, Гаторга асос қилиб, Ҳуфу эҳроми олинган.

Ибодатхонанинг қурилиш вақти узоқ олиб борилган бўлса ҳамунда ҳовли билан пилон қурилмай қолган. Кириш залида 24 та устун бор. Устунларнинг муқарнаслари худо-сигирнинг боши-Гатор шаклида тасвирланган. Гатор бошли капителлар Янги подшолик даврида ҳам Дейр-Ель-Баҳрида малика Ҳатшепсутнинг ибодатхонасидаги устунларда

мавжуд бўлган. Унда Гатор боши капителнинг икки қарама - қарши томонига ўйиб ишланган эди. Дендердаги Гатор ибодатхонасида эса капителларнинг тўрттала томони ҳам Гатор боши билан безатилган. Шунинг учун устунлар яхлит кўринишга эга.

Дендердаги Гатор ибодатхонаси ҳақиқатан ҳам Миср эллинизмнинг энг машҳур биноларидан бири бўлган. Миср эллинизми дунёсида маълум бўлган ёдгорликлардан яна бири Ком-Омбо ибодатхонасидир. Ундаги асосий хусусиятлардан бири шуки, битта бионинг ичига иккита мустақил ибодатхона жойлашган. Шунга кўра, бино иккита параллел қисмларга бўлинган: ўнг томондаги жанубий қисми, муқаддас ҳайвон шисобланган тимсоҳ кўринишидаги худо Собекка, шимолий чап қисми эса Гора худосига бағишланган. Ҳар бир қисм учун сигиниш жойи ва уларга пилон дарвозаларидан бошлаб алоҳида йил олиб боради.

Миср эллинизмнинг энг машҳур ёдгорликларидан яна бири Фили оролидаги Исида ибодатхонасидир. Бу Мисрнинг жанубий чегарасида, улуғ дарё сувлари билан ўралган чакалакзорда бир-бирига аниқ мосланган тошлардан қурилган ва хушбичимустунлару, чиройли рельефлар билан жиҳозланган ажойиб бинодир.

Ибодатхона пилонларидаги рельефлар айниқса пилонинг ички ҳовли томонга қараган деворларига ўйиб ишланган маъбуда Исиданинг суратлари, ўзининг ғоят гўзаллиги билан ажралиб туради. Бу кунт билан изланган ва жилваларга чўмган шакллар санъатининг кейинги даври ривожланишидан дарак беради.

Ҳулоса қилиб айтганда, Миср меъморчилигида Карнак қандай рол ўйнаган бўлса, Фили ороли меъморчилиги ҳам Рим-Миср эллинизми даврида ҳудди шундай рол ўйнаган. Деярлик ҳар бир ҳукумдор оролда нимадир қурган ва эрамиз бошларида улар архитектура музейларига

айланган. Ниҳоят, эрамизнинг 30-йилларига келиб, МисрРим империяси вилоятларидан бирига айланди. Чунки Рим императори Октавиан Птолемейларнинг сўнгги қироличаси Клеопатра устидан ғалаба қозониб, ҳукумдорликни узил - кесил ўз фойдасига ҳал қилганди. Сўнгра христиан дини вужудга келди. Шу туфайли Мисрдаги қадимги тил ва дин унутилди.

Эрамизнинг VII асрига келиб, араб мусулмонлари мамлакатни забт этдиларва уерда ўрнашиб олдилар. Ана шу вақтдан бошлаб Миср тарихи, маданияти санъати ва меъморчилигида янги бурилишлар бошланди. Бу қарийиб 13 асрлик даврни ўз ичига олади.

2.2. Қадимги Мисрда мусиқа ва рақс санъати.

Миср мусиқа маданияти — энг қадимги маданиятлардан бири. Бизгача етиб келган мусиқа маданиятининг илк моддий ёдгорликлари мил. ав. 3-минг йилликка мансуб. Булар турли мусиқа асбоблари — шиқилдоқ, тар-тарак. ҳамда чиғаноқлардан ясалган ҳуштаклардир.⁵⁹ Макбаралар деворларига ишланган барелефлар маиший турмушда мусиқа кенг тарқалганига гувоҳлик беради. Оммавий байрамлар, диний маросимлар, меҳнат жараёнлари мусиқасиз ўтмаган. Мисрда бир овозли мусиқа ривож топган. Янги подшолик даврида кўп овозли мусиқанинг содда шакллари ҳам пайдо бўлган. Рақслар, сахна томошалари, бадий адабиёт мусиқа билан узвий боғлиқ бўлган. Арфа, най, ёғоч ва жез карнай, орган, урма мусиқа асбоблари кенг тарқалган. Қадимги Мисрда мусиқа ижрочилари — профессионал мусиқачи — шоирлар мўтабар зот саналиб, фиръавнларга қариндош деб ҳисобланишган. Эллинистик ва Рим даврида Мисрда мусиқа ўзига хослигини сақлаб қолган. Рим ҳукмронлиги барҳам топгач, турк, араб ва бошқа халқлар мусиқа маданияти билан узвий боғлиқ бўлган. Миср

⁵⁹ <http://www.egypttravel.su>

мусиқа маданияти тараққиётининг янги босқичига кўтарилган.⁶⁰

Араб Машриқ мамлакатлари Арабистон ярим оролидаги 20 дан ортиқ араб давлатларини ўз ичига олади: Баҳрайн қироллиги, Бирлашган Араб Амирлиги, Иордания, Ҳошимийлар қироллиги, Ироқ, Ливан, Миср, Сурия ва Яман Араб Республикалари; Қатар, Қувайт, Фаластин давлатлари; Саудия Арабистони Қироллиги ва унга яқин минтақаларда жойлашган, тили, маданияти, хусусан муסיқа маданияти билан ўзаро яқин бўлган мамлакатлар ҳам шу жумладандир. Мазкур мамлакатлар муסיқасида Ўрта Осиё ва эрон халқлари муסיқасининг таъсири сезиларлидир. Абул-Фараж ал-Исфажонийнинг (897-967) "Қўшиқлар китоби" аталмиш маҳобатли асарида исломдан олдинги араб муסיқасига қадимги Ўрта Осиё ва эрон халқлари муסיқасининг таъсири ҳақида далилланган маълумотлар мавжуд.

Шу муносабат билан араб ҳофизи ва шоири Абду-р-Раҳмон Атраднинг Валид ибн Язидга (вафоти 748-йил) айтган қуйидаги гаплари эътиборлидир: "Бутун муסיқа бизга Ажамдан келган, биз араблар эса унга араб шеърларини қўйганмиз холос."

Ҳозирги кун Араб Машриқ мамлакатлари муסיқасида ўзаро муштараклик анчагинадир. Масалан, чолғулар, уларнинг созланиши, аталиши, ритм, оҳанг, анъанавий муסיқага муносабат, муסיқий шакл ва бошқалар. Таъкидлаш лозимки, Ислоннинг шиа мазҳаби ва суннанинг Ханбалия оқими ҳукмронлик қилган мамлакатларда мусиқанинг ривожини суст бўлган. Миср, Сурия, Ливан каби давлатларда эса мусиқа маданияти илдамлаб кетган. Лекин, ўзга Машриқ мамлакатларида ҳам мусиқага эътибор кучаймоқда. Жумладан, Қувайтда 1972 йилдан Муסיқа ўқув юрти (битирувчилар ўрта мусиқий маълумот ҳақида диплом олади) ва Муסיқа

⁶⁰ Египет Исторический (404 фотографии русский). Escudo De Oro.

санъати институти (битирувчилар мусиқада бакалавр дипломини олади) ташкил этилди.⁶¹

Миср давлати Африка қитъасида жойлашган бўлса-да, унинг маданияти, мусиқа санъати кўпроқ Араб давлатлари санъати билан узвий боғланган. Бутун араб мамлакатлари орасида фақат Ўрта Ер денгизи давлатларининг кўҳна тарихи изчил ўрганиб чиқилган. Энг қадимги маълумотлар кўҳна Миср давлатининг тузилиши ҳақидадир. Шу заминда топилган археологик ашёлар: ҳайкалтарошлик намуналари, деворий суратлар, қолаверса, уй-рўзгор, сопол буюмлар, мусиқий чолғулар ва уларга оид бир қатор тасвирлар бу ерда жуда қадимдан сивилизатсиянинг қарор топганлиги, мусиқа маданиятининг юксак даражада тараққий этганлигидан далолат беради.

Қадимги Миср мусиқаси икки кўринишда бўлган: бири зодагонлар санъати; иккинчиси эса оддий халқ мусиқий санъати. Гарчи кўҳна Мисрда ноталар ҳали қоғозга туширилмаган бўлсада, шунга қарамай, оддий халқ ўртасида мусиқа кенг тарқалганини ишонч билан айтиш мумкин. Сўзимизга далил сифатида қулларнинг бизгача етиб келган куй ва кўшиқларини айтиб ўтиш жоиздир. Бу куй-кўшиқларда қулларнинг оғир ва машаққатли меҳнати, поймол этилган эрки ва озодликка интилиши каби оҳанглар ўз аксини топган. Албатта, бир қарашда содда ва оддий кўринган кўшиқлар замирида аччиқ киноя ва алам бор. Мусиқа билан йўғрилган лирик шеърят кўҳна Мисрнинг халқ миллий санъатига хос нарсадир. Бунда ишқ-муҳаббат, халқ донишмандлиги, ҳуснкор табиатнинг гўзал манзаралари каби мавзулар ўз аксини топган.

Сарой ва диний мусиқа санъати халқ, мусиқа санъати билан баробар сарой ҳамда диний мусиқа ҳам ривожланиб борди. Тантанавор ва нуфузли сарой ҳамда диний мусиқада сарой ва ибодатхоналарнинг сервиқор ва маҳобатли кўриниши, унда ҳукмрон бўлган рух, ўзига хос кибор, улугвор

⁶¹ <http://www.vikipediya.uz>

меъморчилик санъати ҳам гўё ўз аксини топгандек эди.

Ҳозирги давргача етиб келган мусиқа маданиятининг энг қадимий ёдгорликлари милоддан аввалги 3 мингйилликка мансубдир. Булар турли мусиқа асбоблари - шиқилдоқ, тартарак, ҳамда чиғаноқлардан ясалган хуштаклардир. Мақбаралар деворларига ишланган расмлар маиший турмушда мусиқа кенг тарқалганидан гувоҳлик беради. Оммавий байрамлар, диний маросимлар, меҳнат жараёнлари ҳам мусиқасиз ўтмаган. Мисрда бир овозли мусиқа ривож топган. Янги подшолик даврида кўп овозли мусиқанинг содда шакллари ҳам пайдо бўлган.

62

Рақслар, сахна томошалари, бадий адабиёт мусиқа асбоблари билан узвий боғлиқ бўлган. Арфа, най, ёғоч ва жез карнай, орган, урма мусиқа асбоблари кенг тарқалган. Қадимги Мисрда профессионал мусиқа ижрочилари - шоирлар мўтабар зот саналиб, фиръавнларга қариндош деб ҳисобланган. Ҳатто Рим даврида ҳам Миср мусиқаси ўзига хослигини сақлаб қолган. Рим ҳукмронлиги барҳам топгач, турк, араб ва бошқа халқлар мусиқа маданияти тараққиёти янги босқичга кўтарилди.

Сарой рақслари вазмин ва тантанавор руҳда ижро этилар эди, ижтимоий ўзгаришлар таъсирида рақсларда алланечук енгиллик ва жўшқинлик пайдо бўла бошлади. Бир пайтлар маълум қонун-қоидаларга бўйсуниб, сиқувда, тор доирада бўлган мусиқа маданиятида энди эркинлик пайдо бўлиб, ҳис-туйғулар жўш ура бошлади. Табиатан киборларга вазминлик хос, оддий халқ эса ўз ҳис-туйғуларини яширмай, очиқ-ойдин ошкор этади. Худди шу нарса мусиқада ҳам ўз аксини топа бошлади. Ва айнан шу даврга келиб, уд, кўшна, флейта, кларнет, най, аргул зарбли чолғулар пайдо бўлди.

Қулдорлик тузумини қўллаб-қувватлаган Қадимги Миср динининг ижтимоий тенгсизлик ва зулм, шунингдек, фиръавнларнинг мутлақ ҳокимлигини тарғиб қилиши монументал санъатнинг пайдо бўлишига олиб

⁶² Древний Египет (энциклопедия). Махаон., 2016. С-127

келди. Фиръавнлар шарафига бунёд этилган эҳромларни монументал санъатининг энг ёрқин намунаси деб айтиш мумкин. Халқ мусиқаси оддий халқ ҳамда зодагонлар мусиқа маданияти бир-бири билан уйғун ривожланган деган фикрда оз бўлсада ҳақиқат мавжуд. Зеро, оддий халқ маданиятида синфий кураш ғояси етакчилик қиларди. Ижтимоий ҳаётдаги кескин бурилишлар Қадимги Миср мусиқий ҳаёти ва маданиятида ҳам ўз аксини топди. Авваллари фақат ҳукмрон синфларга хизмат қилган хонанда ва мусиқий асбоблар эндиликда оддий халқнинг мулкига айланди. Ҳатто бир файласуф бу ҳақида шундай деган эди: "Кеча лира нималигини билмаган оми (саводсиз) одам бугун Мерт маъбудасини шарафлаб, қўшиқ куйламоқда".

Халқ мусиқасининг асосий хусусиятлари профессионал мусиқа анъаналарига ҳам хос. Анъанавий мусиқа турли хил вокал ва чолғу шаклларга бўлиниб, улар ёрдамида мураккаб, бой безакли бадиҳалар, тугалланган пьесалар курилади. Чолғу шакллардан: такасим, дулаб, башраф, техмила ва бошқалар жуда кенг тарқалган. Мувашшаҳ, дор, байяти, себо ва қасидалар ҳам шулар жумласидандир.⁶³

Бир пайтлар оммавий мусиқий асбоб сифатида фақат лирадан фойдаланилган. Арфанинг гўзал куйини фақат зодагонлар эшитиши мумкин эди. Шунингдек, сарой ва ибодатхоналарда малакали созандаю хонандалар хизмат қилганлар.

Кўҳна Шарқнинг барча сивилизатсиялари каби Қадимги Мисрда ҳам шеърят, мусиқа ва рақс бир-бири билан чамбарчас боғлиқ эди. Кўҳна Миср драмаларининг келиб чиқиши Ўрта давр ҳукмронлиги пайтига бориб тақалади. Улар қуёш маъбуди Осирис шарафига ўтказилган маросимлар асносида пайдо бўлиб, ушбу маросим илдизларини ибтидоий жамоа

⁶³ <http://www.livelib.ru>

тузумидан қидириш керак. Ўша даврнинг ўзига хос жиҳатларидан бири шу бўлдики, авваллари халқ мулки деб ҳисобланган мистериялар энди фақат ҳукмрон синф учун хизмат қила бошлади. Шу боис мусиқа ривожланишида ҳам маълум ўзгаришлар юз бергани табиий бир ҳолдир. Ўрта давр ҳукмронлик пайтида саройларга кириб келган айрим чолғу асбоблари бу ерлардан бадарға қилинди. Охир-оқибат илгари урф бўлган вазмин ва тантановор мусиқа яна ўз мавқеини тиклади. Бунинг натижасида мусиқани иккига: яъни "яхши" ва "бемаза" мусиқага ажратиш ҳолати вужудга келди. Қизиғи шундаки, "бемаза" мусиқа деганда айнан энг яхши, мазмундор кўшиқлар назарда тутилгандир.

Янги давр ақидаларига кўра, мусиқа ва рақсдан сабоқ олиш энг тубан иллатларга тенг деб ҳисобланиб, қораланади.

Вақт ўтган сайин янги давр мусикаси халқона куй-кўшиқларга хос бўлган самимийлик, жўшқинлик, табиийлик ва таъсирчанликдан йироқлашиб, фақат зодагонлар манфаати учун хизмат қиладиган ҳиссиз ва нурсиз бир зотга айлангандек эди гўё... Шу тариқа мусиқа гарчи мавжуд бўлсада, лекин шакли бору мазмуни йўқ, сўзи бору моҳияти йўқ, юрак бору ҳис-туйғуси йўқ жонсиз нарсга бўлиб келди. Поёнсиз ҳарбий юришлар туфайли ҳарбий мусиқа равнақ топди. Фақат мусиқанинг шу жанригина янги давр ҳукмронлиги пайтида ривожланиш ва кенг оммага ёйилиш имконига эга бўлди. Узлуксиз ҳарбий юришлар ҳамда савдо-сотикнинг йўлга қўйилиши натижасида Узоқ ва Яқин давлатлар - Сурия, Финикия, Яқин Шарқ давлатлари ва ҳатто Ҳиндистон билан ўрнатилган алоқалар бежиз кетмай, Вавилон, Сурия, Юнон маданиятларининг равнақ топишига ижобий таъсир кўрсатди. Мисрда қадимги драматик диний жанрлардан таркиб топган мақомлар машҳур. Араб мақомлари бошқа Шарқ халқлари орасида ҳам кенг ёйилган. Мустамлакачилик асорати Миср маданияти тараққиётига ғов бўлди.

ХУЛОСА.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаб ўтиш керакки, қадимги Миср санъати ва маданияти дунёдаги энг кўҳна ва қадимий маданиятлардан бири ҳисобланади. Илк сивилизатсияларга шаҳарларнинг вужудга келиши, ҳунармандчилик, қурилиш ва архитектура, айирбошлаш ва савдо-сотик, ёзув, назрий билимлар, адабиёт ва санъат ривожининг юқори даражаси ҳосдир. Шу белгилар асосида қадимги Миср сивилизатсиясига назар ташлайдиган бўлсак юқоридаги белгиларнинг барчаси Мисрда қадимги даврлардаёқ ўзининг юксак чўққисига эришганлигини битирув малакавий ишимизда келтирилган маълумотлардан ҳам билдик. Хусусан, энг қадимги даврларда шарқда вужудга келган сивилизатсияларга назар ташлайдиган бўлсак, ҳар бирида бир умумий яхлитликни кўришимиз мумкин. Масалан, Миср Нил дарёси бўйида, Месопатамия Дажла ва Фрот дарёлари бўйида, Хитой Хуанхе ва Янцзи дарёлари бўйида, Ҳиндистон Ҳинд ва Ганг дарёлари бўйида, Ўрта Осиё эса Амударё ва Сирдарё бўйларида ўзининг юксак тараққиётига эга бўлди. Ушбу яхлитликни илмий адабиётларда

бирлаштирган ҳолатда уларни “дарё цивилизатсиялари” деб номланди. Қадимги Мисрнинг ҳар томонлама юксалишида умумий жиҳатдан олиб қараладиган бўлса Нил дарёси салмоқли ўринни эгаллайди. Жумладан Мисрда қадимги даврларда юзага келган шаҳар-давлат “ном”лар ҳам айнан Нил дарёси қирғоқлари бўйлаб қурилган эди.

Қадимги Мисрда хатторлик санъати ҳам ўз тараққиётининг юксак даражасига кўтарилган эди. Битирув малакавий ишимизда Миср ёзувлари турлари ҳақида, унинг ўқилиш сирлари қандай тарзда очилганлиги тўғрисида қисқача маълумотлар бериб ўтилди. Шу маълумотлар таҳлилидан келиб чиқган ҳолатда шуни таъкидлаб ўтишимиз керакки, мисрликлар энг қадимги даврларда ҳам юксак маданият намунаси, дунёдаги энг қадимги ва дастлабкилардан бири ҳисобланмиш иероглиф ёзувини кашф қилишди. Миср ёзувлари 750 белги иероглифдан ташкил топганлиги ва 3 хил усулда ёзилганлиги билан ҳам кишини ҳайратга солади.

Ёзув билан бирга қадимги Миср санъатининг ажралмас бир бўлаги ҳисобланмиш бадиий адабиёт ҳам жуда тараққий этди. Мисрликлар адабиётига назар ташлайдиган бўлсак теран фикрлар, гўзал иқтибослар ва маъноли фикрларга дуч келамиз. Бундан шу нарса аён бўладики қадимда Мисрликлар юксак маданий эстетик мерос қолдира оладиган қобилиятга эга бўлишган. Шеър, эртак, ҳикоя ва қасидаларининг мавзуси ўзаро дин билан узвий боғланган бўлиб, уларда Миср худолари, нариги дунё билан боғлиқ масалалар баёни келтириб ўтилган.

Санъат тушунчаси жуда кенг қамровли эканлигини ҳисобга оладиган бўлсак, қадимги Миср санъати турлари ҳам жуда кўпни ташкил қилади. Санъат турларидан келиб чиқиб, Миср санъатининг ибтидоий турларини ҳам шунга мувофиқ трзда гуруҳларга бўлиб ўрганиб чиқдик. Қадимги Миср тасвирий санъати: рассомчилик, ҳайкалтарошлик; меъморчилик, амалий

безак санъати ва мусиқа, рақс каби санъат турларининг тарихи ва тузилиши тўғрисидаги маълумотлар ушбу битирув малакавий ишида ўз ифодасини топди.

Қадимги Миср тасвирий санъати ҳам ўзига хос тарздалиги ва бошқача услубларда эканлиги билан ажралиб туради. Жумладан рассомчилик ва ҳайкалтарошликлари санъати ҳар бир подшолик даврида ўзгача кўринишларда тасвирлаб келинган. Келтирилган адабиётлардаги маълумотларни ўзаро қиёслайдиган бўлсак, Миср тасвирий санъатининг бевосита дин билан узвий боғлиқ эканлигини кўришимиз мумкин. Хусусан, Миср ҳукмдорлари ҳисобланмиш фиръавнларнинг тасвирлари уларни янада қудратлироқ кўрсатиш билан бир қаторда, ўзларини худо ўғиллари эканлигига оддий халқни ишонтириш мақсадида жуда ҳам улкан тарзда яратилган. Меъморчилик иншоотларида ўз аксини топган расмлар қадимийлиги, сирлилиги ва мураккаб техникаси билан ҳали ҳам инсонларнинг ҳайрати ва қизиқишига сабаб бўлиб келмоқда.

Қадимги Миср санъатининг ажралмас бўлаги, уни сивилизатсиялар ичида энг юқори чўққиларга чиқишини таъминлаб берувчи меъморий обидалари – бу албатта Миср эҳромлари !

Миср пирамидаларига илмий адабиётларда келтирилган “ҳамма нарса вақтдан кўрқади, вақт эса пирамидалардан” деган иқтибос жуда мос тушади. Ҳақиқатда ҳам ушбу меъморчилик иншоотлари ҳали ҳанузгача инсонлар, аниқроғи жаҳон тарихчи олимлари қизиқишига сабаб бўлиб келмоқда. Ҳозирги кунгача ҳам тарихчилар томонидан узлуксиз равишда тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ушбу йирик меъморчилик иншоотлари тарихчиларнинг ўзаро тортишув, баҳс-мунозараларига ҳам сабаб бўлиб келмоқда.

Дунёдаги энг улкан пирамидалар айнан Миср ҳудудида жойлашгани, уларнинг нега бунчалик маҳобатли тарзда қурилганлиги тўғрисида ҳалигача ҳам аниқ бир маълумотлар аниқланмаган. Лекин, Миср тарихидан

келиб чиққан ҳолатда ушбу меъморий иншоотлар қурилишини ҳам яна дин билан боғласак ҳато қилмаган бўламиз. Миср ҳукмдорлари ўзларини қудратини кўрсатиш, оддий халқни кўрқитиб туриш мақсадида шундай йирик иншоотлар, яъни ўзларига мақбаралар қурдиртиришган.

Бундан ташқари Миср эҳромлари жаҳон тарихчи олимлари томонидан илмий янгиликлар билан бойиб бормоқда. Хусусан, тарихчи олимлар ўртасида аввалроқ ўртага ташланган, яъни “Миср пирамидаларини ўзга сайёраликлар қурган” ёки “Пирамидалар қурилиши учун тошлар бошқа ердан олиб келинган” деган фикрлар ҳозирги кунда ўз аҳамиятини йўқотиб, янги фикр “Миср пирамидаларини қуришда мисрликлар ўзлари ихтиро қилишган янги бетонга ўхшаш хомашёдан фойдаланишган” деган хулосага келишябди. Ҳозирги кунда бетонга ўхшаш қурилиш материални қандай қоришмалар асосида яратилганлиги тўғрисида илмий тадқиқот ишлари олиб борилябди.

Қадимги Миср мусиқа ва рақс санъати ҳам узоқ тарихга эга. Араб машриқ мамлакатлари мусиқа, куй-қўшиқ ва рақс санъатига муносиб тарзда бошчилик қилувчи ажойиб кўй-қўшиқ намуналари ва рақс турлари энг аввал Мисрда юзага келганлиги ҳам фикримизнинг исботи бўла олади. Қадимги Миср мусиқа ва рақс санъати ҳам бевосита дин билан боғлиқ равишда юзага келди ва ривожланди.

Қадимги давр юнон файласуфлари “Нур – Шарқдан таралади” деб бежизга айтишмаган эди. Ўша зиё учқунларининг энг ёрқин нури албатта қадимги Миср ҳудудидан таралди. Миср ўтган аср давомида ва ҳозиргача ҳам ўз бағрида қанчадан-қанча сирларни яшириб ётибди.

Миср маданияти ва санъати ҳозирги кунга қадар ҳам яшаб келмоқда. Бу маданият ва санъат жаҳон маданияти ва санъати ривожига ҳам катта ҳисса қўшди. Шунинг учун ҳам юнон файласуфи Афлотун Миср маданияти ва санъатини “Жами сивилизатсияларнинг онаси” деб бежиз айтмаган эди.

Ушбу битирув малакавий ишини ёзиш жараёнида Миср санъати тарихи буйича куплаб янги маълумотлар билан танишиб чиқишга ва мавзу юзасидан билимларимизни янада мустахкамлаб олиш имкониятига эга булдик.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И.А. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш энг олий саодатдир. Т., 2015
2. Драчук В. Ёзувлар - утмиш сирлари шохиди. Т., 1980
3. Гадоев К., С.Бердиева. Сайёрамиз муъжизалари. Т., 2012
4. Kabirov A., Korovkin F. Jahon tarixi. Т., 1995
5. Кинк Х.А. Как строились египетские пирамиды. М., 1967
6. Лауер Ж.Ф. Загадки Египетских Пирамид. М., 1966
7. Словарь античности. М., 1989

ЭЛЕКТРОН КИТОБЛАР

8. Египет Исторический (404 фотографии русский). Escudo De Oro
9. Древний Египет (энциклопедия). Махаон., 2016
10. Древние цивилизации. Египет, Греция, Рим (энциклопедия). Владис., 2015
11. Египет на заре цивилизации. Загадка древнего народа (энциклопедия). М., 2012.

ИНТЕРНЕТ САЙТЛАРИ

12. <http://www.ziyonet.uz>
13. <http://www.kitob.uz>
14. <http://www.history.ru>
15. [http://www.vikipediya,uz](http://www.vikipediya.uz)
16. <http://www.egypttravel.su>
17. <http://www.drevniy-egipet.ru>
18. <http://www.livelib.ru>